Шу азиз Ватан — барчамизники!

Ишонч

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

• 29 март 1996 йил, жума • № 25 (272)

«ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛИ — МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК ВА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДИР»



И.А.КАРИМОВ

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛИ МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК ВА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон» нашриётида босмадан чиққан янги китоби шундай номланган. Китоб Президентимизнинг Хоразм вилояти халқ депутатлари кенгаши сессиясида сўзлаган нутқини, Ислом Каримовнинг Россия Давлат думаси Беловеж битимини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилгани муносабати билан Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцинга мактубини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири билан суҳбатини, шунингдек бошқа материалларни ўз ичига олган.

Президент номига келган телеграммалар, мактублар, фуқароларнинг фикр ва мулоҳазалари китобнинг катта қисмини ташкил этади. Уларда Россия Давлат думаси қабул қилган асоссиз қарор ва собиқ Иттифоқни қайта тиклашга уриниш қораланади, давлатимиз бошлиғи ўтказаётган ички ва ташқи сиёсат йўли маъқулланади, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар қўллаб-қувватланади.

Китоб Матбуот давлат қўмитасига қарашли Тошкент полиграфия комбинатида кўп нусхада босиб чиқарилди.

(ЎзА).

Иқтисодиёт хабарлари

ХАРИДОРГИР БУЮМЛАР

Қўшкўпир туманида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган кичик, хусусий корхона кўпайиб бормоқда. Мулкдор Бектурди Ортиқовнинг «Барс» хусусий корхонасида ишлар тобора ошяпти. Бу корхона уй-рузғор буюмлари, хонтахта, курси, турли мебеллар тайёрлаяпти.

Шуниси қувончлики, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидоргирлиги, сифатлилиги билан ажралиб туради.

Ш.АХМЕДОВ.

НАМАНГАННИНГ СУНЪИЙ МЎЙНАСИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар узининг ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, қушма корхоналар тузилаётганлиги республикамиз иқтисодий қувватини оширибгина қолмасдан янги иш ўринлари яратмоқда. Яқинда Наманган вилоятида бу борада қувончли янгилик юз берди. Камеб маҳсулот сунъий мўйна ишлаб чиқарадиган фабрика қурилиб фойдаланишга топширилди.

Фабрикада 1,5 миллион квадрат метр маҳсулот тайёрланади. Бу ерда бир сменада юз киши меҳнат қилади. Германиянинг «Текстима» фирмаси билан ҳамкорликда қурилган фабрикани жиҳозлаш учун 3 миллион 980 минг немис маркаси сарфланди. Келгусида немис фирмалари билан ҳамкорликда вилоятда бошқа бир қатор саноат тармоқларини ҳам қуриш режалаштирилмоқда.

«Ишонч» мухбири.

ҲИССАДОРЛАР ИШИ ЮРИШЯПТИ

Утган йилнинг ёз ойларида Навоий шаҳридаги 34-автокорхона базасида «Навоийюктранс-34» ҳиссадорлик жамияти ташкил этилган эди. Уша пайтларда жамият акциялари корхона жамиятида 300 сумдан сотилди. Бугунги кунга келиб ҳиссадорларнинг ҳам, корхонанинг ҳам ишлари юришиб кетди. Утган йилнинг кейинги ойида акцияларга тўпланган дивидентлар 100,2 фоизни ташкил этди. Натижада акциялар курси ҳам кўтарилди. Тошкент фонд биржасида ҳар бир акция 800 сумданга сотилди. «Навоийинвест» компанияси фонд биржаси дўконларида эса 600 сумдан сотилди. Айни пайтда «Навоийюктранс-34» ҳиссадорлик жамиятининг қимматбаҳо қоғозлари сотиб бўлинган.

А.ҲАСАНОВ.

Бизнинг шарҳ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ҚАДРЛАНАДИ

Мулклар давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилиб борилаётган айни даврда қимматли қоғозларнинг республикада кенг ёйилиши, омма орасида тарқалишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда фаолият юритаётган йирик хўжаликларнинг аксарияти ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилиб, ўз акцияларини чиқаришга улгурди. Юзлаб корхоналар иқтисодий барқарорлик йўлига чиқиб олиб, ҳиссадорларига илк дивидендларини тўлашга ҳам эришдилар. Ҳиссадорликнинг самарасини кўриб, моддий манфаатдорлиги ошган кишиларда эса қимматли қоғозларга бўлган қизиқиш тобора ортиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг куни-кеча эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузурида қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони шу маънода аҳамиятлидир. Эътироф этиш керакки, республикада қимматли қоғозлар билан ишлаш, унинг нуфузини ошириш билан боғлиқ бўлган Президент Фармонлари орасида бу биринчиси эмас. Шундан кўриниб турибдики, юртимизда мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасига ҳукуматимиз катта эътибор қаратаётир.

Хусусан Фармонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва тартибга солишда давлат сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш, бозор қатнашчилари томонидан қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунларни бажарилишини таъминлаш, улар билан операция бажарувчи корхона, ташкилот, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Марказ фаолиятининг асосий вазифаларидан бири қилиб қўйилган.

Шунинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, Республика Давлат мулки қўмитаси ҳузурида тузилаётган қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази қимматли қоғозларни чиқаришда мустаҳкам тартиб урнатиш билан бирга, бу бозорда иштирок этган қатнашчиларнинг ягона тизимини ҳам яратади.

Бундан кўзланган мақсад, акция, облигация, сертификат каби қимматли қоғозлардан ҳосил бўлган маҳсус бозорни шакллантириш, уни назорат қилиш ва тартибга солишдир. Қолаверса, яна қайтариб айтаманки, бу бозорга иложи борича аҳолининг кенгроқ қатламини жалб қилишдан иборат.

Маълумки, Президентимиз республиканинг бозор иқтисодиётига утишида босқичма-босқичлик тамойилини илгари сурган эди. Уйлашимча, қабул қилинаётган ҳар бир янги Фармон ва қарорлардан ана шу тамойилдан оғишмай бораётганимиз кўзга ташланиб турибди. Эътибор беринг-а, Давлат мулки қўмитасининг, республика «Тошкент» фонд биржасининг қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларига маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизматларини кўрсатувчи ноҳукумат агентлигини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи фармонда маъқулланган. Демак, ислоҳотлар аллақандай юқори доиралар ёки маълум тармоқ манфаатлари йўлида эмас, балки оддий халқ учун, ҳар бир алоҳида олинган шахснинг фаровонлиги учун амалга оширилмоқда. Зеро, Ўзбекистон раҳбарининг «Инсон ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун хизмат қилсин», деган ибораси бежиз айтилмаган.

Анвар РАСУЛОВ,
Ўзбекистон Молия вазирлигининг қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш Бошқармасининг бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди.

ПИЛЛАКОР МАНФААТДОРЛИГИ ҚОНИҚТИРАДИМИ?

ЧУЧВАРА ЕЙИШДАН МАҚСАД...

Пиллакор ишини ва маҳоратини заргарга қиёслаш мумкин. Арзимас мисқол уругдан тонналаб кўзни қамаштирадиган ипак толалар яратиш, элюртни шохи атласга буркаш учун қанчалик ақлидрок, уйқусиз тунлару меҳнат ва машаққатни бошдан кечириш талаб этилади. Шу жиҳатдан олганда Наманган вилояти «кумуш тола» ижодкорлари эришаётган ютуқлар олдида ҳар қанча бош эгсангиз оз. Соҳа меҳнаткашлари бир неча йилдирки бу борада республикада энг юқори натижаларни қўлга киритиб ҳаммани қойил қолдирмоқдалар. Кейинги икки йилдаги кўрсаткичларни мисолга олайлик: агар 1994 йилда 2557 тонна ҳосил тайёрланиб, режа 102 фоизга адо этилган, ҳар қути уругидан олинган ҳосил 55,6 килограммни ташкил этган булса, 1995 йилда яппи ҳосил миқдори 2850 тоннага етказилди. Ҳосилдорлик кўрсаткичи 59,4 килограммданга тўғри келди. Йиллик режа эса 104 фоизга уринлатилди. Янгиқўрғон туманида ҳар қути қурт уругидан 64 килограммдан, Чортоқ туманида 62,3 килограммдан, Тўрақўрғон туманида 61,3 килограммдан ҳосил олинди. Агар утган йилда республикамизда иккитагина вилоят режани бажарганлигини, ён қўшнилар Фарғона ва Андижон вилоятларида, бу соҳадаги аҳвол қониқарли булмаганлигини эътиборга тутганда наманганлик пиллакорларнинг меҳнат муваффақиятини ҳар қанча табрикласа арзийди. Булар масаланинг бир томони. Лекин унинг иккинчи жиҳати-чи?

Бу саволга жавоб қайтиришдан олдин халқ оғзидаги чучвара ейишдан мақсад гушт ейишдир, деган мақолни эслаб ўтиш жоиздир. Зероки, деҳқон уруг сочаётганда дастурхон бутроқ, оиласининг қорни тўқроқ булишини, боғбон қучат утказаётганда мевасидан баҳраманд булишликни кўзлайди. Афсуски, 70 йилдан зиёд давом этган «социализм» шароитида биз мана шу доно хулосадан чекиниб ҳамма нарсани сиёсатга боғладик. «Қаердаки оммавий сиёсий ишлар яхши йулга қуйилган булса, уша ерда галабага эришилади», деган коммунистик шиорга буйсундик ва охир-оқибатда бугунги иқтисодий буҳронга етиб келдик. Демак, биринчи кунда қурт уругини саватга солиб уйига олиб кетаётган пиллакорларнинг аслида бош нияти ундан моддий манфаат қуришдир. Хуш, вилоятда бу борадаги аҳвол қандай?

— Утган йил қурт тутиш истагини билдирганларга мавсум арафасида бир қопдан ун, пахта ёғи, чой, саноат моллари тарқатилди, — дейди суҳбатлашганимизда вилоят пилла етиштириш ва қайта ишлаш бошқармасининг бошлиги, «Хонатлас» ҳиссадорлик компанияси раисининг ўринбосари Турғунғулат Ҳамробоев. - Маҳсулотни тўғридан-тўғри пиллакор қўлига етиб олдилар. 60 миллион сумлик маҳсулот шу йул билан етказиб берилган булса, ҳосил етишганидан кейинги қисмини деярлик йил охиригача ҳисоб-китоб қилиб булдик.

УЛОВИДАН ТУШОВИ ҚИММАТ

— Пилла пулининг ҳисоб-китоби гоят чузилиб юборилаяпти, — деди шу мавзуда гап кетганда вилоят агросаноат мажмуаси бирлашмаси раисининг иқтисодий масалалар буйича ўринбосари Ёқубжон Валиев. — Аслида 1994 йил ҳақини ҳам роса судрашган, ҳатто уруглик тайёрловчи «Наманган» корхонаси бу ишни 1995 йилнинг урталаригача олиб келган эди. Ахир, қурт боқувчи ҳосилни май, кечи билан июнь ойи урталаригача топшириб тугатган-ку! Яна бир касаллик шундаки, бозор иқтисодиетига ўтиш босқичига хос булган пул қадрсизланиши инобатга олинган ҳолда буюртмачи билан тайёрловчи ўртасида шартнома тузилаётган маҳалда нарх аниқ курсатилмаяпти. Оқибатда, бу тармоқдан ҳўжаликлар қўпинча фойда ўрнига зарар қурмоқдалар. Вилоятимизда бир кило пилланинг таннархи 50 сумдан 80 сумгача тушяпти. Масалан, Учқурғон туманидаги «Андижон» жамоа ҳўжалигида ўтган йилда ҳар килограмм ҳосил таннархи 85 сумданга, Мингбулоқ туманидаги «Гулбог» жамоа ҳўжалигида 80 сумданга, Косонсой туманидаги Худойбердиев номли жамоа ҳўжалигида 63 сумданга, Чуст туманидаги «Зарафшон» жамоа ҳўжалигида 73 сумданга тўғри келди. Сабаби маълум, кумир, ёғоч, қоғоз, электр энергияси нархи бир неча баробар кўтарилиб кетди. Транспорт ҳаражатлари ортди.

Ёқубжон аканинг сузларини тинглайману вилоят пилла тайёрлаш ва қайта ишлаш бошқармасида эшитганларимни эслайман. У ерда айтишларича етиштирилган ҳар кило пилла учун 35 сумдан, навли ҳосил учун эса 46 сумдангина пул туланган. Уловидан тушови қиммат, деб шуни айтишсалар керак-да!

ВАЪДАБОЗ БУЮРТМАЧИЛАР

— Ёқубжон ака тўғри гапирибдилар, — дейди Косонсой туманидаги «Деҳқонобод» жамоа ҳўжалиги бош ҳисобчисининг ердамчиси Раҳматилло Ашрапов. — Ҳўжалик учун пиллачиликдан энгирча ҳам фойда тегмаяпти. Фақат қурт боқаётганлар олдида елғончи булаётганимиз қолаяпти, холос. Сизга вилоят идорасидагилар ҳисоб-китобни тугатишганини қай тариқа айтишганларини билмайману, аммо биз бундан сираям қониқмадик. Биз эса буюртмачилар олдида берган сузимизнинг устидан доимо ортиги билан чиқаяпмиз. Мисол учун 1994 йилда 20 тонна пилла тайёрлаган булсак, 1995 йилда 20,3 тоннага етказдик, бироқ юқорида айтганимдек наф йуқ. Ҳар кило ҳосилни уртача 38 сумданга сотдик. Тугри уруг тарқатишганда ҳар қути қурт уруги учун бир қопдан ун, 10 килодан ёг берилди. Аммо узил-кесил ҳисоб-китобга келганда резинадай чузишяпти. Унинг ҳам 70—80 фоизини сентябрь ойи охирларида маҳсулот билан тулашди. 28 февралда туман бош пиллахонасида қолиб келаётган ҳаққимиз ҳисобидан тагин 50 минг сумлик вексел беришди. Қарзлари энди 127 минг сум қолди.

— Лекин тулашда ҳам тулаш бор-да, — давом этди Р. Ашрапов, — масаланинг иккинчи томонини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йуқ. Ахир биз ҳосилни май-июнь ойларида топшириб тугатганмиз-ку. Ушанда бир кило унинг баҳоси 8 сум эди. Ҳозир 12 сумга чиқди. Ёгники 25 сум эди, ҳозир 45 сумга кутарилган. Гурчники 6 сум эди, бугун 32-35 сумдан. Тагин ҳам биз кейинги мавсумда мана шу одамлар билан ишлашлигимиз, қурт туттиришлигимиз кераклигини уйлаб узимизда етиштирилган ғалладан бердик. Ҳолбуки, қурт уругини тарқатишаётганда тайёрловчилар «мана кампания тузилди, энди буёгига ишлар беш, бу тарафдан пиллани топширасиз, нариги ёқдан пулини жараклатиб санаб ола берасиз», дейишиб қуйнимизни ёнгоққа тулгазишган. Демоқчиманки, қупчиликни алдаб булмайди!

Пилла пулининг тула ҳисоб-китоб қилинмаганлиги сингари ҳол фақат Косонсой туманидаги «Деҳқонобод» жамоа ҳўжалиги билангина чекланмайди. Мингбулоқ туман бош пиллахонасининг бошлиги Алишер Эргашевнинг берган маълумотномасига кура топширилган пилла учун шу пайтгача Навоий номли жамоа ҳўжалигига 153332 сум, «Зардарё» жамоа ҳўжалигига 68753 сум пул утказилмаган. Шунингдек, «Гигант», «Узгариш», «Олтинкул», «Гулбог» жамоа ҳўжаликлари пиллакорлари ҳам ҳақларини ҳозиргача тула олишга муваффақ булишмаган. «Наманган» жамоа ҳўжалигидан Насиба Авлиёванинг 1011 сум, Холида Гиёсованинг 489 сум, Лутфи Раҳмонқулованинг 490 сум ҳақлари шу кунгача қисоб-китоб қилинмаган. Умуман, ҳўжалик миқёсида 280 пиллакорнинг 112265 сум пилла пуллари туланмасдан келмоқда.

МАЖБУРИЙ САВДОГАРЧИЛИК

Эгри утирсанг ҳам тугри сузла, деганлар. Бозор иқтисодиетига ўтиш босқичи қийинчиликлари ҳаётимизнинг ,халқ ҳўжалигининг кўпгина соҳаларида вақтинчалик мураккабликларни келтириб чиқараётганлиги, жумладан, пилачиликка ҳам ўз таъсирини утказаётганлиги сир эмас. Шу боисданки, пул маблағлари етишмаганлигидан тайёрловчилар пилла буйича ҳўжаликлардан қарзларини мовада (бартер) усулида бўлмасин узишга ҳаракат қилишяпти ва уни салбий ҳолат сифатида баҳоламаслик керак. Лекин қарздан қутулиш экан, деб дуч келган нарсани тиқиштира беришни ҳам оқлаб бўлмайди.

— Бизга бераётган нарсаларни орасида шунақалари ҳам учраяптики, қийишга ярамайди, бозорга сотсанг ўтмайди, — дейди Мингбулоқ туманидаги Амир Темур номли жамоа ҳўжалиги бош ҳисобчиси Умарали Шодмонов. — масалан, шу кунда 30 минг сумлик мол омборхонамизда чанг босиб етибди. Унинг ўрнига бошқа нарсани тақдим этишганларида бирон коримизга яраган буларди. Қолаверса, умуман пул беришни эсларидан чиқариб қуйишди. Ахир, кимдир туй қилмоқчи, уй қурмоқчи. Ёки мол сотиб олишни ният қилган.

— Энг чатоқ жойи анчадан бери қули пул қурмаган одамларимиз мажбуран савдогарга айланиб қолишаётганида, — дейди қуйиниб Мингбулоқ туман бош пиллахонасининг бошлиги Алишер Эргашев. — Айтайлик, пиллага туланадиган ҳақ ҳисобидан ёки масалан, бизникига ухшаш ташкилотларда маош урнига қуйлак тарқатишди. Рузғор камчилигини тулдириш учун уни сотишга мажбурсиз. Бироқ бозорда сизни курган маҳалла-қуйдагилар, қариндош-уруглар нима дейишади? Энг ёмони, солиқ инспекцияси ходими қулига тушсангиз борми, сотаётган нарсангиздан уч баробар қуп жаримани буйнингизга илади. Ана энди қуринг томошанинг йиригини!

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРСИН

Республика Енгил саноат Вазирлигига қарашли вилоятлараро «Хонатлас» ҳиссадорлик компанияси тузилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасидир. Унинг ташкил этилишидан бош мақсад пилламизни жаҳон бозорига олиб чиқиш. Иқтисодиетимизда юзага келган бу тизим режаси билан танишсангиз, сал бўлса-да кишида умид уйғонади.

— 1996 йилда ҳўжаликлар билан 2050 тонна ҳосил тайёрлаш юзасидан шартнома туздик, — дейди Т. Ҳамробоев. — Бунча пилла қайта ишланса, 735 тонна қуруқ пилла олинади. Ана шуни эътиборга олиб биз Уйчи ипакчилик ишлаб чиқариш ва Наманган «Атлас» ҳиссадорлик жамиятлари билан янги тайёрланадиган пилла етказиб бериш буйича шартнома имзоладик. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра кузда тутилган ҳосилнинг 25 фоизи қиммати олдиндан туланиши лозим. Вазирлик шу мақсад учун 80 миллион сум пул ажратди. Бу маблағга биз ун, ёг, шакар, чой, хуллас тирикчилик учун энг зарурларни ҳисоб-китобини моллар сотиб олиш чорасини кўряпмиз.

Айтинг-айтинг, компания ва пиллачилик бошқармаси раҳбарларининг вазифалари амалий ишлар билан мустаҳкамлансин. Қолаверса, улар фақат режа бажариш билан қифояланмасдан пиллакорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, тайёрланган ҳосил пулини ўз вақтида тулаш, бу борада ўтган йилларда йул қуйилган хато-камчиликларни бартараф этиш чорасини кўрсинлар. Йуқса, бармоқ тишлаб қолиш ҳеч гап эмас. Косонсой туманидаги «Деҳқонобод» жамоа ҳўжалиги ҳисобчиси Раҳматилла Ашрапов таъкидлаганидек, халқни алдаб булмайди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Хамкорлик

ИСТИҚБОЛ САРИ

Бугун Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг дуст Вьетнамга қилган расмий сафари ниҳоясига етади. Сузсиз, давлатимиз раҳбарининг ушбу мамлакатга қилган сафари халқларимиз сиёсий ҳаётидаги катта воқеадир.

Маълумки, Осиё мамлакатлари билан дустлик ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш ушбу буюк қитъага мансуб булган давлатимиз ташқи сиёсатининг устивор йуналишларидан бири булиб қолмоқда. Мамлакатимиз раҳбарларининг Осиёнинг қатор мамлакатларида расмий сафарда булганлиги, юртимиз истиқболига хизмат қилувчи кўплаб битим ва шартномаларнинг имзоланганлиги Узбекистоннинг қитъадаги қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотларга аъзо булиб кирганлиги юқоридаги фикрнинг тасдиги була олади. Президентимизнинг Вьетнамга қилган расмий сафари ҳам ана шу йулдаги муҳим қадамлардан биридир.

Маълумки, Осиё ишларининг боришн, қитъадаги тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши кўп жиҳатдан Жанубий-Шарқий Осиёдаги вазиятга боғлиқдир. Минтақанинг энг нуфузли мамлакатларидан бири булган Вьетнам эса Жанубий-Шарқий Осиёдаги аҳволнинг яхшиланиши, кескин муаммоларнинг сиёсий йуллар билан ечилиши учун астойдил ҳаракат қилиб келмоқда. Бундай фаолият ўз навбатида Вьетнамнинг халқаро обруйини, жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлардаги нуфузини оширмоқда. Вьетнамнинг минтақада шу сабабли ўз таъсирли овози, салмоқли ўрни бор. Қардош ва жасур Вьетнам халқининг миллий-озодлик қураши ва мустақилликни сақлаб қолишдаги қарамонлиги тилларда достон булган. Шу кунларда Вьетнам Жанубий-Шарқий Осиёда, умуман Осиё-Тинч океани минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва халқлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қушиб келмоқда. Минтақа муаммоларини ечишда фаол иштирок этмоқда. Утган йили Осиёдаги энг обрули халқаро ташкилотлардан бири - АСЕАНга Вьетнамнинг тенг ҳуқуқли аъзо қилиб олинганлиги ушбу давлатнинг халқаро ишлардаги хизматининг эътироф этилишидир.

Шу кунларда Вьетнам халқи мустақил сиёсий-ижтимоий ва социал-иқтисодий тараққиётнинг истиқболли йулидан одимламоқда. Сузсиз, бу йулда ютуқлар ҳам кам эмас. Мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш ҳукумат ташқи ва ички сиёсатининг диққат марказида турипти. 1995 йилда мамлакатнинг ички миллий маҳсулоти 9,5 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 4,7 фоизга, саноат ишлаб чиқариши эса 14 фоизга купайди. Утган йили мамлакатда 27,5 миллион тонна дон йигиб олинди. Бу йил 29 миллион тонна дон етиштириш мулжалланмоқда. Вьетнам экспорти миқдори 5,3 миллиард долларни ташкил этди. Мамлакат иқтисодий ривожланиш даражасининг 1996 йилда ҳам юқори булиши кутилмоқда. Яқинда Вьетнам билан қатор чет эл мамлакатлари компаниялари ўртасида биринчи нефтни қайта ишлаш заводини криш ҳақида битим имзоланди. Ушбу завод ишга тушгач, йилига 6,5 миллион тонна нефтни қайта ишлаб чиқаради.

Маълумки, Узбекистон — Вьетнам дустлик ва ҳамкорлик алоқалари ўз тарихига, ўз анъаналарига эга алоқалардир. Узбекистон ҳар доим Вьетнам билан булган муносабатларни, турли соҳаларни қамраб олган алоқаларни кенгайтиришни ёқлаб келган. Мустақиллигимиз шарофати туфайли эса Узбекистон-Вьетнам ҳамкорлигини бевосита ривожлантириш учун кенг уфқлар очилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Вьетнамга расмий ташрифи бунинг ёркин кўринишидир. Вьетнам Узбекистонни Марказий Осиёдаги барқарорлик манзили деб билмоқда, давлатимиз ташқи сиёсатининг минтаани тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик чуқур илдиз отган минтақага айлантиришга қаратилган йулини қизғин қуллаб қувватлаб чиқмоқда. Узбекистон ҳам уз навбатида Вьетнамнинг халқлар тинчлиги ва ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган йулини маъқулламоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Узбекистон-Вьетнам алоқалари тезда жонлана бошлади. Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ҳамкорлик кенг уфқлар ёза бошлади. Узбекистон саноати ушбу мамлакат халқ ҳўжалиги учун энг зарур маҳсулотлар етказиб бермоқда. Вьетнам эса ўз навбатида қишлоқ ҳўжалиги ва саноатининг анъанавий маҳсулотларини бизга жунатмоқда. Вьетнам халқ ҳўжалиги, маданияти, илм-фанида бугун самарали меҳнат қилаётган кўпгина вьетнамликларнинг Узбекистон олий ва ўрта маҳсус билим юртларида таълим олиб кетишгани кўпчиликка маълум. Мен Вьетнамда булганимда узбек мутахассисларининг ушбу мамлакат учун зарур булган саноат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида, шу жумладан, нефт саноатида меҳнат қилаётганликларига гувоҳ булганман.

Мана энди Узбекистон — Вьетнам алоқаларини янада юқори поғонага кутариш учун кенг имкониятлар очилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ушбу мамлакатга қилган расмий сафари, сафар якунида имзоланган муҳим ҳужжатлар бу борада қутлуғ қадамлар булади.

Талъат СОЛИЕВ.

ЭРК НАШИДАСИ ОЛҒА УНДАЙДИ

Узбекистонимизнинг бугунги қиёфаси-қанчалар жозибадор. Шу жозибани бизга мустақиллик берди. Қанчалар қийинчиликларни бошдан кечирмайлик, порлоқ эртамиз - буюк келажагимиз ҳаммамизга руҳ бағишлайди. Узинг учун, ўз халқинг, ўз Ватанинг учун меҳнат қилиш, унинг камоли учун фидоийлик кўрсатиш нақадар нашъали!

Ҳа, шунинг учун ҳам мустақил Ватаним аста-секин, аммо қатъият билан олға интилмоқда. Эркин меҳнат самаралари ҳар бир шаҳар, қишлоқда, кўчаларимиз, хонадонларимизда кўзга ташлана бошлади. Ниҳоят иқтисодиётимизнинг орқага кетиши тўхтатилди. Кўп соҳаларда 1990 йилги даражага етиб олинди, ҳатто баъзи жабҳаларда ўсишга ҳам эришилди. Биз энди эрк, ҳурлик қадрини чинакам ҳис этяпмиз.

Шундай бир шароитда Россия думасининг собиқ Иттифоқни тиклашга уриниб қабул қилган беъмани қарори кишида газаб қўзғотади. Думанинг «доно» жаноблари қафасдан қутилган қуш яна унга узини урмаслигини наҳоятки ҳис этишмаса?!

Биз, зиёлилар, қизил империя «сабоқлари»ни обдон олганмиз ва уни ҳеч қачон унутмаймиз. Халқимизнинг қанчадан-қанча аҳли-заковатли фарзандлари қурбон булиб кетдилар. Жаҳолат ва разолатга асосланган жамият одамларимизни манқутларга айлантираёзди. Йуқ, жаноблар, бизни ўз йулимиздан, нурафшон йулимиздан чалғитманг! Халқимиз ўз тақдирини қулига олган экан буюк Узбекистонимизни бунёд этишимиз аниқ.

Ў.ҲАЙДАРОВ,
фалсафа фанлари доктори.

Эргаш ота Юнусов Янгиқўрғон туманидаги Калиште қишлоғида истиқомат қилади. Саксон баҳорни қаршилаган бу отахон узоқ йиллар мироб бўлиб ишлаган. Туманнинг турли жойларида 60 гектарга яқин боғ-роғлар яратган.

Суратда: 2-жаҳон уруш қатнашчиси, пиру бадавлат отахон Эргаш ота Юнусов. **Т. ҲАМРАҚУЛОВ сурати.**

Етти иқлим нафаси

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА

Москвада МДҲ мамлакатлари мудофаа вазирларининг кенгаши булиб утди. Ушбу тадбир шу йил 17 майда буладиган МДҲ давлатлари олий раҳбарларининг навбатдаги учрашувига тайёргарлик доирасида утказилди. ИТАР-ТАСС хабарига кура, ҳамдустлик мамлакатларида ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизимини такомиллаштириш кенгаш кун тартибидаги бош масала эди. Шунингдек, Абхазия можаросида тинчлик урнатувчи кучлар ваколат муддатини аниқлаш буйича таклифлар кўриб чиқилди. Россия мудофаа вазири В.Грачев МДҲ мамлакатлари ҳарбий идоралари раҳбарларини Шимолий Атлантика блоки НАТОнинг Шарққа қараб кенгайиб боришига муносабатларни мувофиқлаштириб олишга чақирган.

***

Утган куни Белорус Олий Кенгаши Белорус билан Россия уртасидаги муносабатлар масаласини муҳокама қилди. Мажлисда Президент А.Лукашенко депутатларни 2 апрелда Москвада имзоланиши мулжалланаётган Россия билан Иттифоқ шартномаси асосий қоидалари билан таништирди. Давлат бошлиги шартнома МДҲ доирасидаги интеграциянинг олий шакли булади, деб таъкидлади. У уз нутқида Совет Иттифоқининг барбод булишини қаттиқ қоралаб, бунда собиқ Президентлар Л.Кравчук ва С.Шушкевичларни айблади. Депутатларнинг кўпчилиги имзоланадиган шартномани маъқуллаб чиққан булса-да, Олий Кенгаш спикерининг қизғин даъватларига қарамай, мажлис аҳли Президент маърузаси буйича бирон-бир аниқ қарорга кела олмади.

***

Россия қушинлари чечен жангчиларига қарши ҳужумни давом эттирмоқдалар. ИТАР-ТАСС хабар қилишича, Чеченистон ғарбидаги Самашки қишлогини забт этиш чогида федерал кучлар томонидан юздан ортиқ жангчилар яксон қилинган. Россиянинг хусусий радиостанцияларидан бирининг маълумотига кура шу қишлоқни ишғол қилиш операцияси давомида шунингдек 500 га яқин тинч аҳоли ҳам қурбон булган. Федерал қушинлар Россия Президенти Б.Ельцин Чеченистон муаммоларини ҳал этиш буйича таклифини эълон қиладиган кунгача бу ерда тинчлик урнатиш ишини ниҳоясига етказиш мақсадида ҳарбий ҳаракатларни кучайтираётганлари кузатилмоқда. Бомут ва бошқа кўргон ва қишлоқларни огир қуроллар билан ҳаводан ҳамда ердан ўққа тутишлар, Грознийни тозалаш ишлари давом эттирилянти.

***

Руминия президенти Ион Илисекунинг Арманистон пойтахти Еревандан бошланган Кавказорти мамлакатларига ташрифининг асосий мақсади минтақа мамлакатлари билан мустаҳкам алоқалар урнатиш, жумладан, Грузия орқали утувчи Евроосиё йулагидан самарали фойдаланишга эришишдан иборат. Утган куни Грузия пойтахтида булган вақтида И.Илисеку билан Грузия президенти Э.Шеварднадзелар дустлик ва ҳамкорлик шартномасидан ташқари бир қанча ҳукуматлар аро битимларни ҳам имзоладилар. Улар орасида Грузия ва Руминия порт шаҳарларини боғловчи денгиз орқали садо-сотиқни йулга қуйиш, ҳаво ва автомобил йулларини ташкил этиш ва бошқалар бор.

Руминия президенти И.Илисеку шу куннинг ўзида Озарбайжон пойтахти Бокуга жунаб кетган.

***

Украина ҳукумати вакиллари Запорожье атом электр станциясидаги кўнгилсиз ҳодиса ҳақида хабар беришди. Расмий «Новости» агентлиги хабарига кўра реакторларнинг бирида уни совутиб турувчи сув оқиб кетаётгани маълум булган. Сизиб оқаётган сув миқдори соатига, бир тоннани ташкил этмоқда. Ушбу реакторни тухтатиш буйича иш олиб борилмоқда.

ХОРИЖДА

ПЕКИН. БМТ бош котиби Бутрос Голий фикрича, Тайванднинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо булиб кириши учун ҳеч қандай имконият йуқ. Бутрос Голий Пекинга ташрифи чогида таъкидланганидек, Хитой Хавфсизлик Кенгашида Вето ҳуқуқига эга булиб, у уз нуқтаи назарини узгартирмас экан, Тайванд бу ташкилотга қабул қилиниши мумкин эмас. Хитой ташқи ишлар вазирлиги бошқа давлатларни Тайванд билан ҳар қандай расмий алоқаларга йул қуймаслик ҳақида огоҳлантирди.

***

ВАШИНГТОН. Халқаро валюта фонди (ХВФ) директори Камдессю Россияни июндаги президентлик сайловларидан кейин сул томонга огиб кетиши хавфидан огоҳлантирди. Россия иқтисодиетини бошқаришнинг коммунистик услубларига ўтган тақдирда, деди у, халқаро валюта фонди уни кредитлардан маҳрум этади. Фонд раҳбарининг айтишича, бундай ҳолатда ХВФнинг Россия билан ҳамкорлиги мумкин булмай қолади, маълумки, бир кун олдин, яъни сешанба куни ХВФ Россияга умумий миқдори 10 млрд. долларлик кредит бериш таклифини маъқуллаганди.

***

БОИН. Германия ички ишлар маъмурлари жамоат тартибини қўпол равишда бузган муҳожирларни мамлакатдан зудлик билан чиқариб юбориш масаласини ҳал қилдилар. Мамлакат ички ишлар вазирининг айтишича, бундай шошилинч чоралар тусатдан юз берган тартибсизлик туфайли зарур булиб қолган. Унинг асосий айбдорлари Германияда таъқиқланган Курт ишчи партияси фаолларн эди. 16 март куни Дортмундда полиция минтга яқин кишни қамоққа олишга мажбур булганди. Туркия жанубн-шарқида мустақил Курт давлатини ташкил этиш талаби билан чиққан намойишчилар билан туқнашув натижаси шунга олиб келганди. Германияда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи гуруҳлар бу чорани қоралашди.

***

ДАККА. Бангладеш Республикаси бош вазири Холида Зиё чузилиб кетган сиёсий бухронлан қутилиш мақсадида янги умумхалқ сайловларига тезроқ ҳозирлик к

МЕҲНАТ КОДЕКСИ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Қонунчилигимизда илк бор Узбекистон Республикаси меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг халқаро шартномалар, конвенцияларга бўлган нисбати кўрсатилиб берилди. Агар Узбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг Узбекистон томонидан ратификация қилинган конвентациясида ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан имтиёзлироқ қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки конвентациянинг қоидалари қўлланилади. Меҳнатга оид муносабатлар бевосита қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолларда ҳам Узбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг конвентациялари ёки Узбекистон Республикаси имзолаган халқаро шартномаларнинг қоидалари қўлланилади.

Мулкчиликнинг турли формалари вужудга келиши муносабати билан меҳнат муносабатларининг субъектлари сифатида кимлар намоён бўлишлари мумкин эканликларини аниқ фарқлаб олиш лозим. Белгиланмаган ёшга етган (Кодекснинг 77-моддасига мувофиқ ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган ёш умуман 16 ёш белгиланган. Лекин ота-онадан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан 15 ёшга тўлган шахслар ҳам ишга қабул қилиниши мумкин. Худди шу таркибда умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус уқув юртларининг уқувчиларини 14 ёшга тўлганларидан кейин уқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилишга йўл қўйилади) ҳамда иш берувчи билан меҳнат шартномасини тузган Узбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнат муносабатларининг субъектлари бўлиши мумкин. Иш берувчи ҳам меҳнатга оид муносабатларнинг бевосита субъектидир. Шу ўринда «Иш берувчини ўзи ким?» деган саволга ҳам жавоб бериб ўтиш керак бўлади, чунки бу ҳам қонунимиздаги янги институтлардан биридир. Кодекснинг 15-моддасида кўрсатилишича, қуйидаги иш берувчилар бўлиши мумкин:

1) корхоналар, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ўз раҳбарлари тимсолида;

2) мулкдорнинг ўзи айнан бир вақтда раҳбар бўлган хусусий корхоналар;

3) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда 18 ёшга тўлган айрим шахслар.

Бундан ташқари, меҳнат жамоаси ёки ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллик органлари ҳам меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти сифатида қатнаша оладилар.

Жамоа шартномалари ва келишувларига ҳам катта эътибор берилган бўлиб Кодекснинг IV боби шу масалаларга бағишлангандир.

Жамоа шартномаси — корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир. Жамоа келишуви эса, муайян касб, тармоқ, ҳудуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олувчи норматив ҳужжатдир.

Жамоа шартномалари ва келишувлари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириш мақсадида тузилади.

Иш берувчининг манфаатларини ифода этувчи шахслар қуйидагилар учун жавобгар бўладилар:

1) жамоа шартномаси, келишувни тузиш, ўзгартириш ёки тўлдириш юзасидан олиб борилаётган музокараларда қатнашишдан бўйин товлаганлик ёки уларни ишлаб чиқиш ва тузиш муддатини бузганлик ёхуд тарафлар белгиланган муддатда тегишли комиссиянинг ишини таъминламаганлик учун;

2) музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси, келишувга риоя этилиши устидан текшириш олиб бориш учун керакли ахборот тақдим этмаганлик учун;

3) жамоа шартномаси, келишуви мажбуриятларини тузганлик ва бажармаганлик учун, касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи талабига кўра мулкдор ёки вакил қилган шахс жамоа шартномаси мажбуриятлари бузилишида ёки бажармаслигида айбдор бўлган раҳбарга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш шарт.

Азиз муштарийлар, газетамизни келгуси сонларида Меҳнат Кодексининг «Махсус қисми»даги моддаларнинг мазмуни билан таништиришда давом этамиз. Унга қадар сизларни қизиқтирган масалалар юзасидан Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг юридик бўлими мудири Х. Р. Премқуловга «Тошкент-167, Правда Востока кўчаси 24-уй» адреси орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Модалар уйида Ўзбекистон енгил саноатига қарашли корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтди.
Суратда: «Юлдуз» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти етакчи мутахассиси И.Бакиева.

Р. ГАЛИЕВ сурати.

Маданият янгиликлари

МАОРИФЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Гулистон туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси уқитувчиларни иқтисодий ҳимоялаш, уларни ижтимоий муҳофазалаш юзасидан ибратли тадбирларни амалга оширмоқда.

Жумладан 103 нафар маориф ходими транспортда бепул юриш учун туманнинг маҳаллий бюджетидан 38625 сўм ажратилди.

Уқув йили бошида 272 нафар уқитувчига бугдой, картошка ва чорва моллари учун ем-хашак, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари берилган эди.

«Ишонч» мухбири.

ИШБИЛАРМОНЛАР ЁРДАМИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Буни Уйчи тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Баягон қишлоғида хусусий дорихона очган Зокиржон Йўлдошев ҳиммат кўрсатди. Қишлоқдаги 34-мактабнинг 700 ўқувчисини юқумли касалликка қарши эмланиши учун зарур миқдорда бир марта ишлатиладиган шприц совға қилди.

«Ғайрат» кооператив уюшмаси эса ушбу билим даргоҳини ўз оталигига олган. Унинг маблағи эвазига таъмирланган иситиш тармоғи мактабнинг қиш-қировли кунлардан муваффақиятли чиқишини таъминлади.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

НАВРЎЗГА БАҒИШЛАБ

Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтида ҳаваскор талабаларнинг умумхалқ байрами - Наврўзга бағишланган танлови утказилди. Унда мазкур олий уқув юртининг барча факультетлари қатнашди. «Наврўз эзгулик байрами» шиори остида ўтган танловга яқинда якун ясалди.

Талабалар «Тошболта ошиқ» каби машҳур спектакллардан алоҳида саҳналарни, халқ урф-одатлари билан боғлиқ интермедияларни, спорт, оркестр ва хор чиқишларини жюри аъзоларига ҳавола этдилар.

Танловда биринчи ўринни тарих ва мактабгача тарбия факультетлари, иккинчи ўринни мусиқа факультети ва рус-корейс филологияси талабалари эгаллашди. Учинчи ўрин эса бошлангич ҳарбий тайёргарлик ва саноат педагогика факультетларига насиб этди.

Бу хил танловларни ўтказиш мазкур илмгоҳда анъанавий тус олмоқда.

Т.ШЕРОВ.

Касаба уюшмаларида

САНАТОРИЙДА СЕМИНАР

Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг санаторий-профилактрийсида «Болаларни ёзги соғломлаштириш муаммолари» мавзуида Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг республика семинари бўлиб утди.

Уч кун давом этган семинарда халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Узбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қумитасининг масъул ходимлари, шунингдек Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, болалар оромгоҳлари раҳбарлари ва айрим ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар.

Семинар иштирокчилари болаларнинг ёзги таътилини кунгилдагидек утказиш, уларни оромгоҳ ва санаторий-профилакторийларга жойлаштириш, дам олишлари ва саломатликларини тиклаш учун барча қулайликларни яратиш ва шу масалаларга доир баъзи бир муаммолар тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Анжуман республикамизда ижтимоий ҳимоя, соғломлаштириш каби масалалар билан қизиққан мутахассислар учун ўзаро малака ошириш, тажриба алмашиш имкониятини берди.

Давур ЖОЗИЛОВ.

ТАДБИРКОРЛАР: КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ

Бахмал туманидаги асосий ишлаб чиқариш воситалари давлат таассаруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Натижада жойларда мулкдорлар сафи кўпая бошлади.

Ҳозирги кунда туман худудида 25 та кичик корхона, 10 та фирмалар, 7 та хусусий дўкон, 3 та хусусий дорихона, 6 та ҳиссадорлик жамияти, 719 та деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Ана шу жамоаларда тадбиркорлик касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари тузилди.

Туман марказида тадбиркорлар касаба уюшма қўмитаси ташкил топди. Қумитага Раҳмон Баҳромов етакчилик қилмоқда.

А.ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ - ЖАМОА ҚОНУНИ

Урганч шаҳридаги «Хоразммахсустаъмирлаш» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномаси ҳақида шундай дейишади. Шу боис бу ерда унинг ҳар бир бандини тўла бажаришга ҳаракат қилинаяпти. Утган йили ҳар бир ишчига 500-1000 сўмдан моддий ёрдам берилди. Савдо корхоналаридан турли маҳсулотлар сотиб олиб, тарқатилмоқда. Санаторий-курортларга йўлланмалар ҳам бепул берилмоқда.

Корхона маъмурияти ғамхўрлиги ўз самарасини бермоқда. Режа-топшириқлар ортиги билан уддаланаяпти.

Шихназар АҲМЕДОВ,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшмалар ҳаёти

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ — ЖИДДИЙ ИШ

Қашқадарё вилоятидаги корхона ва ташкилотларда, жамоа хўжаликларида меҳнат муҳофазаси қандай ташкил этилган? Ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олиш, нормал меҳнат шароитини таъминлаш, йўқотилган ишчи кунлари миқдорини камайтириш юзасидан қандай чора-тадбирлар белгиланмоқда?

Ушбу саволларга касаба уюшмалари вилоят кенгашининг меҳнат-техник назоратчиси Ботир УСМОНОВ жавоб беради:

— Меҳнат муҳофазаси касаба уюшмалари эътиборида турган энг муҳим масалалардан биридир. Утган йилнинг ўзида кенгаш раёсати йиғилишида бу масала икки марта муҳокама қилинди. Тармоқ қумиталарининг пленумлари ва раёсат йиғилишларида ҳам бир неча бор кўриб чиқилди. Жумладан, Шаҳрисабз электр тармоқлари, «Қашқадарёқурилиш» корхоналари, савдо, матлубот кооперацияси, умумий овқатланиш ва тадбиркорликнинг турли шакллари ҳамда тиббиёт ходимлари касаба уюшма вилоят қумиталарда утган йиғилишлар «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ижросига бағишланганлиги фикримиз далилидир. «Талимаржон ГРЭС қурилиши» бошқармаси ташкилотлари, вилоят алоқа корхонаси тармоқларида шу масала буйича текширув утказилди. 1995 йил давомида «Қашқадарёқурилиш» жамоа корхонасининг Китоб, Қамаши, Ғузор, Шаҳрисабз туманлари ва Қарши шаҳридаги 7-, 6-, 219-механизациялашган кучма колонналарида меҳнат муҳофазаси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган. Текширув якунлари «Қашқадарёқурилиш» жамоа корхонаси кенгашида ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши меҳнат-техник назоратчилари томонидан мунтазам амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бу эса ходимлар ҳаёти ва саломатлигини асраш, хавфсиз иш шароитларини яратишга қўл келаяпти. Меҳнатни муҳофаза қилиш масаласи бу корхоналарда тузилган жамоа шартномаларида ўзининг тўлиқ ифодасини топган.

1995 йилда фаолиятимиз самарали бўлди, дейишга барча асослар бор. Чунончи, вилоят корхона ва ташкилотларида 14,5 мингдан зиёд ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароитлари яхшиланди, 391 та ишлаб чиқариш техника воситалари жиҳозланди ва қайта қурилди. 2 минг киши учун дам олиш ва маиший хизмат хоналари ташкил этилди. Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаганлиги учун 45 та цех ва участканинг фаолияти тўхтатиб қўйилди. Йил давомида 288 та корхона ва ташкилотда текшириш утказилиб, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси меъёрлари бузилишига оид 2292 та ҳолат аниқланди. Уларни тезда бартараф этиш юзасидан аниқ тавсиялар берилди. Меҳнат муҳофазасига оид қонун-қоидаларни бузганлиги учун 19 нафар раҳбар ходимга 5975 сўм миқдорида жарима солинди. Утган йил давомида тармоқ буйича белгиланган ишларни амалга ошириш учун жами 72,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бироқ, қурилаётган чора-тадбирларга қарамасдан айрим корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазасига етарли аҳамият берилмаётир. Нормал иш шароити яратилмаганлиги, баъзи раҳбарлар ва мутахассислар, касаба уюшма ташкилотларининг эътиборсизлиги, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаслиги натижасида жойларда бахтсиз ҳодисалар юз бермоқда. Уларнинг айримлари ўлим билан тугаётганлиги гоят ачинарлидир. Масалан, «Қашқадарёдеҳқонқурилиш» трестига қарашли 473-механизациялашган кучма колонна ишчиси Шоҳназар Эшмуродов Қарши шаҳрида қурилаётган «Агробанк» биносида юз берган фалокат туфайли оламдан кўз юмди. У бино айвони томини сувоқ қилаётганида бетон плита қулаб, тагида қолган. Нега бундай ҳодиса юз берди, айбдор ким? Гап шундаки, плиталарни кўтариб турган бетон устунлар ҳали тўла қотиб улгурмасдан уларнинг «қолип»лари ечиб олинган, қуримаган устунлар устига плиталар ўрнатилган. Бу ҳам етмаганидек, томга икки киши чиқарилиб, сувоқ ишларига жалб этилган.

Қурилиш норма-қоидаларига риоя этилмаганлиги оқибатида ҳали қуриб улгурмаган бетон устунлар қулаб тушади. Бир сувоқчи четга сакрашга улгуради, иккинчиси эса плиталар тагида қолади. Ҳозир бу фожианинг сабаблари ўрганилмоқда.

Китоб туманидаги «Бошбулоқ» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат хавфсизлигига амал қилмаслик, вояга етмаганларни қишлоқ хўжалик ишларига жалб этиш натижасида ўтган йил июль ойида бахтсиз ҳодиса юз берди. 1979 йилда туғилган Ғулом Мансуров ўт ўриш пайтида трактор прицепи устидан йиқилиб, гилдираклар тагида қолади. Хавфсизлик қоидаларига риоя этилмаганлиги бунинг бош сабабидир. Айни кунда хўжалик раҳбари А. Набиевга нисбатан прокуратура томонидан жиноий иш қўзғатилган.

Меҳнат муҳофазаси ижтимоий ҳимоянинг муҳим жабҳасидир. Агар техника хавфсизлигига тўла риоя этилганда юқоридагидек бахтсиз ҳодисалар юз бергани бўлар эди. Биз асосий эътиборни масаланинг ана шу томонига қаратмоқдамиз. Вилоятда меҳнат муҳофазасига тўла риоя этилишини таъминлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Муродилла КЕНГБОЕВ
ёзиб олди.

Хоразм вилоятидаги Хонқа ун комбинати жамоаси ўтган йилни 110 миллион сўм фойда кўриш билан якунлади.
Суратларда: корхона лаборанти Г. Юсупова, лаборатория бошлиғи ўринбосари Т.Раҳматуллаев ва лаборант Р.Нурматова.

А.МУРАТОВ (ЎзА) суратлари.



Солиқчига — синчковлик одат!

Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати хабар қилади

ЭШИТДИНГИЗМИ?..

● Фарғона вилояти Олтиариқ тумани матлубот жамиятига қарашли 7-дўкон сотувчиси Равшан Қодиров харидорнинг 65 сўмига хиёнат қилди. Шу воқеа сабаб бўлиб дўкон фаолияти тафтиш қилинганда 9072 сўм камомад чиқди. Ҳозир бу иш билан прокуратура шуғулланаяпти.

● Учқўприк туманидаги «Нафосат» кичик корхонаси раҳбари Аҳмаджон Каримов 5100 сўм фойдани солиқдан яшириб қолган экан. Шу қилмиши учун терговчига рўпара бўлиб қолди.

● Сўх тумани ширкатлар уюшмаси ер тузувчиси Раҳим Баҳромов лоқайдлик қилиб аҳоли учун берилган ерларни ҳисобга олмаган экан. Шу боисдан бу ерлар солиққа тортилмай қолган. Бу қилмиши учун туман солиқ инспекцияси томонидан Раҳимга 500 сўм жарима солингандан сўнг у ўз бурчини ҳалол бажарадиган бўлди.

● Андижон шаҳар «Дон» маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти текширилганда 966800 сўмлик қўшимча қиймат солиғи, 28500 сўмлик даромад солиғи, 13150 сўмлик транспорт солиғи тўланмагани маълум бўлди. Ҳозир бунинг сабаблари ўрганилмоқда.

● Афсуски, Андижон шаҳрида солиқ идораларига чап бермоқчи бўлган ташкилот ва корхоналар сони тобора кўпайиб бормоқда. «Хизмат» ҳиссадорлик жамияти текширилганда салкам 127 минг сўм солиқдан яширилган бўлса, «Уйсозлик» комбинати бошлиғи Содиқов ва бош бухгалтер Эшонова қарийб 173,5 минг сўмнинг ҳидини чиқармаган эканлар. Барибир сир очилиб энди ўзлари ич этларини еб юрибдилар.

● Ёнилғи қуйиш бекатларидаги қаллобларни инсофга чақириш қийин булаяпти-да. Андижон туманидаги 8-сон ёнилғи қуйиш бекати оператори И. Кенжаев кўз очиб-юмгунча харидорларнинг 600 сўмига хиёнат қилган бўлса, Пойтуг шаҳридаги 38-сон ёнилғи қуйиш бекати оператори Ҳайдаров эса бир харидорга хизмат қилишда 53 сўмлик бензинни уриб қолди. Энди улар қилмишларига яраша жавоб берадилар.

● Жиззах туманидаги Дустлик тумани агрофирмасига қарашли «Шаҳзод» фирма дўкони сотувчиси Аҳмад Одилов бир харидорнинг 150 сум 75 тийинини уриб қолган пайтда қўлга тушди. Материаллар қонуний чора кўриш учун туман прокуратурасига юборилди.

● Тошлоқ тумани қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш идораси Россияга юборган маҳсулотлари эвазига 1 миллион 819 минг сўмликлан қупроқ автошина олиб келган. Лекин бундан 15 фоизлик солиқ туланмаган. Бу ишда айбдор бўлган Н. Эгамбердиевга нисбатан 750 сум жарима солинди.

Диққат марказида — ҳаракат ҳавфсизлиги

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 129-мактабда Тошкент шаҳар ИИББ ДАНБ бошқармасининг «1995 йилги иш якунлари ва навбатдаги вазифалари» мавзуида матбуот конференцияси бўлиб утди. Унда ИИВ ДАНБ бошқармаси тергибот маркази бошлиғи, милиция подполковниги А.Эрназаров, туманларнинг ДАНБ масъул ходимлари ва шаҳар халқ таълими бошқармаси вакиллари иштирок этишди.

Маълумки, кучаларимизда ҳаракатланаётган автотранспортлар кундан-кунга кўпайиб бораяпти. Шунинг учун ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўлларда ҳаракатланиш ҳавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш мақсадида 1995 йил давомида Тошкент шаҳар ИИББ ДАНБ бошқармаси қатор ташкилий-амалий тадбирларни амалга оширди. Жумладан, ДАНБ бошқармасининг диагностика тармогида фуқароларга тегишли бўлган транспорт воситалари давлат техника кўригидан утказилди.

Йул-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракатланиш ҳавфсизлигини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Телевидение орқали 55 та кўрсатув, радио орқали 60 та эшиттириш ташкил этилди, газеталарда 110 та мақола эълон қилинди. Жамоатчи автоинспекторлар билан ишлаш, аҳоли турар жойларида учрашувлар утказиш яхшиланди.

Кучада йўл ҳаракати бузилиб, ҳалокат содир бўлса, ҳайдовчини айблаш табиий ҳол бўлиб қолган. Ваҳоланки, пиёдаларнинг кўпчилиги йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмасликлари ана шу фалокатларга кўпроқ сабабчи буладилар. Бу борада болалар ўртасида «Яшил чироқ» мусобақаси ҳар йили утказилиб келинади. Йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш, ўргатиш мақсадида мактабларда 17 соатлик ўқув дастурлари режага киритилган. Бу ишларни катталар ўртасида ҳам амалга оширишни таъминлаш керак.

Матбуот конференциясида ИИББ ДАНБ бошқармасининг масъул ходимлари журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

Қобул Муҳаммадсобир.

1996 йил — Амир Темур йили

СОҲИБҚИРОНГА БАҒИШЛАБ

У. Мусаев номли қишлоқ маданият уйида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечани Янгийул туманининг маданият бўлими мудири Э. Холҳўжаев очди. Кутубхоначи Ш. Саъдибоева «Амир Темурнинг Мовароуннаҳр тарихидаги ўрни» мавзуида маъруза қилди. Қишлоқдаги 2-ўрта мактаб ўқувчилари Н. Саидаҳмедова, Д. Азимова,М. Мирзаевалар Соҳибқиронга аталган шеърларни ўқишди.

Кеча сўнгида «Умид» гуруҳи концерт қўйиб берди.

Х. ҲАМИДОВ,
Тошкент вилояти.

САРКАРДА БОБО ТАВАЛЛУДИГА

Сайхунобод туманидаги «Янгиобод» ширкатлар уюшмасининг маданият саройида буюк саркарда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган утқир зехнлилар баҳси бўлиб утди. Баҳсда Ломоносов номли мактабнинг «Турон», Гулистон туманидаги Беруний номли мактабнинг «Хумо» командалари узаро куч синашишди.

Баҳсда ўқувчилар ўз Ватанига, халқига ва элимизнинг буюк кишиларига, миллатимизга, урф-одатларимиз ҳамда миллий қадриятларимизга бўлган меҳр-муҳаббатларини намойиш этишди. Ушбу баҳсда «Хумо» жамоаси баҳс голиби деб топилди.

Баҳс сўнгида ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Н.ҚОСИМОВА.

Расмий хабарлар

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Франция Ташқи ишлар вазирлигининг Бош котиби жаноб Бертран Дюфурк расмий ташриф билан Узбекистонда бўлди. Франция ташқи сиёсат маҳкамаси олий мартабали вакилининг бу ташрифи Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг шу йил апрель ойи охирида Францияга қилмоқчи сафари олдидан рўй берганлиги катта рамзий маъно касб этади.

Ушбу ташриф муносабати билан утказилган матбуот конференциясида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги доимий алоқалар ва ҳамкорликни тобора мустаҳкамлаш масалалари алоҳида таъкидлаб утилди.

Дюфурк жаноблари Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бахтиер Ҳамидов ва Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди. Бўлиб ўтган суҳбат ва музокаралар чоғида Франция билан Узбекистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, савдо алоқаларининг ана эмас, шу билан бирга маданият соҳасидаги ҳамкорликни ҳам кучайтириш зарурлиги айтилди. Узбекистон Республикасининг Европа тизимидаги интеграция жараёнига қўшилишида Франция ҳукумати уни қўллаб-қувватлагани ва ёрдам бергани учун Узбекистон томони миннатдорчилик изҳор этди. Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масаласида узаро фикр алмашилди.

Франция вакили матбуот конференциясида таъкидлаб утганидек, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар дуруст ривожланиб бормоқда. Бироқ, деб таъкидлади у, иқтисодий алоқалар ҳали кенг миқёсда ривожланган эмас. Биз бензин, нефт маҳсулотлари, газ тармоги соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришимиз, шу соҳалар самарадорлигини оширишимиз мумкин. Узбекистон катта табиий бойликлари билан Франция диққат-эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Ўрта Осиени талқиқ этувчи Франция институти Тошкентда жойлашган, у минтақа мақомига эга. Биз молия соҳасида, божхоналарда ишловчи кадрларни тайёрлашда ўз тажрибамизни баҳам кўришимиз мумкин. Бундай ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Масалан, сизларнинг Ижтимоий қурилиш Академиянгиз билан бизнинг Миллий маъмурий мактабимиз ўртасида битим тузилган.

Франция халқи Президенти И. А. Каримов ташрифини сабрсизлик билан кутмоқда. Ташриф чоғида Каримов жаноблари буюк саркарда Амир Темурнинг Франция қироли Карл VIга йўллаган мактубини кўриши мумкин. Бу ҳалқларимиз ўртасидаги буюк дўстликнинг ёркин далили эмасми? Бу хил мисоллар тарихда кўплаб учрайди.

Узбекистон жаҳон интеграциясига, Европа халқаро тизимига тобора чуқурроқ кириб бораяпти. Ўз навбатида Европа ҳамжамияти, бошқа халқаро ташкилотлар ёш, суверен давлатингизга ҳар томонлама кўмаклашмоқдалар. Масалан, Европа ҳамжамиятининг TACIS дастури доирасида Узбекистонга ҳар йили 10 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилади. Шундан 2 миллиони, яъни 20 фоизи Франция томонидан техник ҳамкорлик мақсадида ажратилди. Яқинда Франция республикангизга қайтариб бермаслик шарти билан ёрдам кўрсатади — Нукусдаги болалар педиатрия касалхонаси учун 200 минг франк миқдорида тиббиёт ускуналари ва дори-дармонлар юборилади.

Узбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Франция Ташқи ишлар вазирлигининг Бош котиби жаноб Бертран Дюфуркни қабул қилди ва у билан батафсил суҳбатлашди. Суҳбат ошкора ва дўстона вазиятда утди. Франция вакили самимий кутиб олинганлиги ҳамда мароқли суҳбат учун республика раҳбарларига миннатдорчилик изҳор этди.

Ф. РАСУЛОВ.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА БРИФИНГ

Узбекистон ташқи ишлар вазирлигида собиқ совет кенгликларида интеграцияни чуқурлаштириш масалаларига бағишланган брифинг бўлиб утди. Брифингни республика ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошқарди.

У брифинг қатнашчиларини республика раҳбариятининг Президент Ислом Каримовнинг УзА мухбири билан суҳбатда олга сурилган позицияси билан атрофлича таништирди. Узбекистон Президенти томонидан олга сурилган давлатлар ўртасида интеграция ва кооперациянинг беш асосий шартини республиканинг интеграцияга қаратилган дастури деб ҳисоблаш мумкин. Республика раҳбари таъкидлаганидек, Узбекистон учун интеграциянинг куч ишлатиш, зўравонлик усули номақбулдир, деди А. Комилов.

Ташқи сиёсий маҳкама бошлиги журналистларнинг саволларига жавоб қайтараркан, Узбекистон интеграцион жараёнлардан четдан турмайди, деб айтди. Бироқ у холисона характерда бўлиши, ҳамдўстлик мамлакатларининг — у ёки бу раҳбари иродасига боғлиқ бўлмаслиги керак. Суверен республикаларнинг жаҳон ва Европа ҳамжамиятига киришининг жўшқин жараёни бормоқда. Дунёдаги 120 давлат Узбекистонни мустақил давлат сифатида тан олди. 100 мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Бу далилларга изоҳнинг ҳожати йўқ.

Узбекистон ҳозирги босқичда МДҲ ўрнини босадиган реал мақом йўқ, деб ҳисоблайди, қайд қилди А. Комилов. Ҳамдўстлик доирасида муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мумкин. Республикаларнинг боҳхона иттифоқига қўшилишига келганда таъкидлаш керакки, у ҳозир ўрганиш босқичидадир. Аммо биз бу масалада ўз йўлимизга эгамиз. Биз учун, деб таъкидлади ташқи ишлар вазири, бу масалани МДҲнинг бошқа мамлакатлари билан биргаликда Узбекистоннинг ташқи чегараларини қўриқлаш вазифаси билан боғлаш мақбул эмас. МДҲ доирасида эса интеграцияни ҳар қанча ривожлантириш мумкин.

А. Комилов республика оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда чет эл журналистлари саволларига жавоб қайтарди.

Брифингда АҚШ, Италия, Швейцария, ХХР, Миср, Жанубий Корея, Россия, Украина, Латвия, Қозогистон ва бошқа мамлакатларнинг элчилари, шунингдек Президентнинг давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, Х. Жураев иштирок этдилар.

Ф. ТЕМУРОВ.

Одамийлик сабоқлари

ХАЛҚИ ҚАДИМДАН МЕҲМОНДЎСТ

Қадим Туркистон яъни ҳозир Узбекистон ўлкамиз атрофларида яшаган халқлар меҳмондўст ҳамда меҳмондорчилик одобларини урнига қўядиган саҳий халқлардандир.

Узбек халқининг саҳийлиги, меҳмоннавозлигидан ўлкамизни душманлик билан Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива хонликларини босиб олиб ўлкани вайрон қилган мўғуллар ҳам бу ўлкада яшаб қолдилар ва ўзбек халқининг бир қабиласи - барлос уруғи бўлиб яшаб келмоқдалар.

Бу гўзал маҳобатли маданият маркази бўлган Узбекистонда кўпгина руслар ҳам мусулмончиликни қабул қилиб халқимизнинг меҳмондўстлигини, одамийлигини эъзозлаб Узбекистоннинг бир қабиладош фуқаросимиз, деб ҳисоблайдилар ўзларини.

Ислом дини келгандан сўнг машҳур алломалар «Имом Бухорий, Имом Термизий, Ал-Хоразмий, Беруний, Хожа Аҳмад Яссавий, Фаробий, Улуғбек, Хожа Баҳовуддин Нақшбандий, Абу Али ибн Сино, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Замахшарий, Каффоли Шоший, буюк саркарда Амир Темур ва бошқа улуғларни етиштириб чиқарган ҳам саҳий халқимиздир.

Маълумингизки, Самарқанд, Бухоро, Хива ҳамда Қўқон, Тошкент каби шаҳарлардаги маҳобатли бинолар, асори атиқалар қадимда ўлкамизда маданият, фан ва санъатнинг қанчалар гуллаб яшнаганлигидан гувоҳлик бериб турибди.

Кўпгина расм-русм, урф-одатлар тақиқланди, аммо исломий одатларимиздан бири бўлган меҳмондўстлик ҳар қанча таъқиқларга қарамасдан сақланиб қолди.

Меҳмондўстликнинг ўзига хос одоблари бўлиб, муқаддас китобимиз Қуръони карим оятларида ҳам ифодаланган уни ота-боболаримиз уқиб амал қилиб келганлар. Шунинг учун ота-боболаримиз қолдирган энг улуғ удуми бўлган меҳмондўстлик Қуръони Карим оятларида такрор ва такрор ўқилади.

Саҳоба Абу Ҳурайра Пайғамбаримиз С.А.В. ривоят қилиб шундай дейди:

Кимки Аллоҳга ва қиёмат кунининг ҳақлигига ишонса, бас меҳмонни ҳурмат қилсин. Кимки, Аллоҳ ва қиёмат кунининг ҳақлигига ишонса, қўшнисига озор бермасун, кимки Аллоҳга ва қиёмат кунининг ҳақлигига ишонса дунё ва охиратда фойда берадиган гапларни гапирсин, алар фойдали гапларни билмаса, ғийбат, игво ва чақимчилик қилмасдан жим юрсин. Кимки Аллоҳ ва қиёмат кунининг ҳақлигига ишонса қариндош-уруғлардан алоқани узмасин.

Аллоҳ Таоло меҳмонни ҳурмат қилиш таълимини Расулуллоҳга хуш хабар берадики: «Эй, Муҳаммад, сизга Иброҳим алайҳиссаломнинг иззат-икромли меҳмонлари ҳақидаги хабар келмадими? Ушанда улар Иброҳимнинг ҳузурига кириб салом дейишган эди, у ҳам: «Салом, булар нотаниш қавмму»,-дедилар. Сўнг у аста оиласи олдига чиқиб қовурилган бузоқни гўштидан келтирадида, улар олдига яқин қилиб, «Таомдан емайсизларми?», - деди. Лекин меҳмонлар овқатга қўл тўзмағач, улардан хавфсирай бошлади. Шунда улар: «Қўрқмагин бизлар фаришталармиз, шунинг учун таом емаймиз», дедилар ва Иброҳимга ўғли Исмоил алайҳиссалом хушхабарини бердилар. Баъзи тафсирларда Иброҳим алайҳиссалом «қўй сўйган» эди меҳмонларга, деб тафсир қилинган. Шунда Аллоҳ Таолодан «Меҳмонни ҳурмат қил» деган ваҳий келган. Шундан сўнг Иброҳим алайҳиссалом семиз бузоқни сўйиб меҳмон қилмоқчи бўлдилар. Шунинг учун меҳмон қай ҳолатда хонадонга ёки шаҳаримизга, ё мамлакатимизга келса меҳмон ҳисобланиб, иззат-икром қилинган. Шу тўғрида, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» китобида ўзбек халқининг қадимдан меҳмоннавозлик тўғрисидаги ҳикоясини келтирмоқчиман.

... Эрон шоҳларидан Кайхисрав Турон мамлакатига катта қўшин билан ҳужум бошлади. Турон тупроғида жанг бошланган кундан бошлаб кундузи қаттиқ жанг бўлиб, Турон ҳукмдори бир газ ер ҳам осонлик билан бермас, натижада Эрон аскарларидан кўплаб шаҳид бўлур эди. Ўша давр анъанасига кўра кундузи қаттиқ жанг бўлиб, шом намозидан кейин уруш тўхтатилар эди. Жанг тўхтагач Турон ҳукмдори Эрон ҳукмдори аскарларига озиқ-овқат емоқ, ичмак юборардилар.

Бу аҳволдан хабардор эронлик аскар ва аёнлар «бизлардан қўрқаяпти» деган ўйда аскарларни кучайтирар ва руҳларини кўтариш учун гап ҳам тарқатардилар. Бир куни Эрон ҳукмдори вазир ва амалдорларни чақириб «Бу нечук воқеадирки, Турон бир газ ери учун қанча аскаримизни қонини тўкиб, шаҳид қилди. Аммо ҳамон озиқ-овқат, таом бизларга юбориб туради. Боиси надир?» - деб сўради.

Улардан бирлари «Сиз жаҳонгир улуғ подшоҳсиз, бу ишларни сиздан қўққанидан қилаяпти», - деди. Бу сўз Эрон ҳукмдорига маъқул тушмади. Ҳукмдор айтдиларки, мендан қўрқса бир газ ер учун қаттиқ жанг қилмай таслим бўларди. Бу ўринда бир сир бордек, - деди. Бу баҳона эмас, мен бу сир очилишини тушуна олганим йўқ, - деди. Шу кунларда Турон ҳукмдоридан элчи келди. Элчини Эрон подшоҳи қабул қилди. Элчи шаҳаншоҳга салом-аликдан сўнг иккита илтимос билан келганини баён қилди.

- Биринчи илтимос шулки, Эрон ҳукмдори шаҳаншоҳ ўртадаги урушни, жангни иложи бўлса, бир ойга, агар иложи бўлмаса 10 кунга тўхтатиб турсалар. Чунки бутун осиёликларнинг улуғ байрами Наврўзи олам бошланишига яқин қолди. Ушбу байрам асли Эрондан бошланган бўлиб, ҳаммамиз учун хурсандчилик, шодлик байрамидир. Иккинчиси, ҳукмдоримиз сизни аскарларингиздан бир қанчалари билан Меркан (ҳозирги Самарқанд)да Наврўз байрамини биргалашиб ўтказишликка таклиф қилди.

Турон ҳукмдори таъкидлаб айтдиларки, шу иккита илтимосни қабул қилсалар. Ўзингиз ва амир амалдорларнинг, аскарларнинг саломатликларини таъминлаймиз, - деди.

Эрон шаҳаншоҳи Самарқанд, Турон халқи тўғрисида кўп мазмунли ривоятлар, хабарлар эшитган эди. Аммо шаҳарни кўргани йўқ эди.

Ушбу таклифни эшитгандан сўнг ўзининг 100 та баҳодирлари билан боришга мойиллигини билдирди. Бу хушхабарни эшитган Турон ҳукмдори Мерканнинг атрофларини чиройли, озода этиб, «Наврўзи олам байрамини» ҳамда улуғ меҳмонларни кутишга ҳозирланди. Ва ниҳоят кўтаринки руҳда катта тантана билан Эрон шоҳи Кайхисравни кутиб олди. Эрон ҳукмдори келиши олдидан Турон ҳукмдори энг моҳир пазандларни ҳамда ўзининг ота-боболарини хизмати билан хушнуд этиб юрган ошпазларни чақирибди. Ошпазларга бир таом ўйлаб топинглар, ҳеч ким бундай таомдан ҳаётида емаган бўлсин, дейилади. Бош ошпаз маъқул топиб, чиқиб кетади ва ниҳоят Наврўз байрами дастурхонини бойитиб ёзилдики, шаҳаншоҳ бунақа меҳмон кутишни биринчи кўриши эди. Бир қанча таомлар тортилди. Ҳар қайси таомдан Турон ҳукмдори ва Эрон шаҳаншоҳи ҳам оз-оздан тановвул қилдилар. Шаҳаншоҳнинг кўнглида шубҳа пайдо бўлмасин деб, ҳар бир таомдан Турон ҳукмдори оз-оздан татиб узатар эди. Аммо охирида бир неча лаганда қорамтир рангли, ҳар бир кишига бир лагандан таом келтирдилар.

Турон ҳукмдори билан Эрон шаҳаншоҳига ҳам қорамтир таомдан бир лаганда келтирдилар. Ҳар хил таомлардан оз-оздан еб қорни тўйиб қолган бўлсада, бу лагандаги таомни еяр эканлар, лаззати баҳорнинг хуш бўйини берганлигидан тасанно айтдилар. Ушбу таомдан яна бир лагани келтиришни талаб қилдилар. Таомлар еб бўлингач Наврўз дастурхонига фотиҳа тортилди. Дуодан сўнг Эрон шаҳаншоҳи Кайхисрав Турон ҳукмдоридан уч савол сўрашга рухсат сўради.

-Эй Турон ҳукмдори, бизнинг аскарларимиз сизнинг мамлакатингиз заминига бостириб кириб келди. Бир газ ер учун қанча аскарларимни шаҳид этасиз. Нечукки, кечқурун жанг тўхтагач аскарларимга ҳар хил яхши таомлар юбориб, бизларни ошлик билан, сув билан сероб этиб турасиз. Боиси нимада?

Сизнинг мамлакатингизга биз ёмон ният билан келган бўлсак-да, сиз бизларни чиройли Наврўзи олам дастурхонига таклиф этиб, меҳмон қилдингиз ва биз хурсанд бўлдик. Бунинг боиси надур?

Турон ҳукмдори жавобини шундай сўз билан бошлади:

-Эй, Эрон шаҳаншоҳи, эй подшоҳи олам. Сиз аскарларингиз билан Турон заминига бостириб кирган кунингиздан бошлаб бир қанча қишлоқ, шаҳарлар вайрон бўлди. У шаҳарларда яшаб турган аҳолилар орасида камбағал, бева, бечоралар бўлиб, уруш нотинчликларидан қийналиб турибдурлар. Мен сизларнинг аскарларингизни озиқ-овқат билан таъминлаб турмасам, озиқ-овқат талаб қилиб бева-бечора, камбағал урушда жароҳатланган, қийналганларни, сизнинг аскарларингиз янада қийнаб уйларидаги ейдурган борлиқларини талаб, тортиб оладилар. Шунинг учун фақирлар, камбағаллар урушда қийналганлар қатиқроқ қийналмасин деб, аскарларингизни озиқ-овқат билан таъминлаб тураман, дедилар. Иккинчи саволингизга жавоб шулки, сиз ҳурматли шаҳаншоҳ менинг мамлакатимга қайси мақсадда келган бўлсангизда меҳмонсиз. Меҳмон отангдан улуғ. Сиз бизнинг мамлакатимизнинг душмани бўлсангизда меҳмонимизсиз. Сизни то мамлакатингизга қайтиб кеттунларингизгача ҳурмат қилмоғимиз керак дедилар.

Қадимдан қайғу-ғамларни унутиб, уруш-жанжалларни тўхтатиб, Наврўз байрамимиз муносабати билан Аллоҳнинг улуғ дастурхони атрофида бирга ўтириб ҳурсандчилик билан таом едик. Бу улуғ баҳор байрамини сиз ҳам, урушга машғул бўлмаганингизда ўз Ватанингиз Эронда тантаналар билан ўтказар эдингиз, аммо Ватанингиздан узоқда бўлганингиз учун ушбу хурсандчилик кунига таклиф этдим. Сиз менинг душманим бўлиб мамлакатимнинг бир газ ери учун курашаётган бўлсангиз ҳам бизнинг Ватанимизнинг меҳмонисиз. Сиз ҳозир газаб отига мингансиз, шундай бўлсада ота-боболаримиз удумлари таълим берганки, душман бўлса ҳам Ватанимизга келган шахслар, меҳмонингдир!

Отангни ўлдирганга, онангни бер, деганлар, деб ҳурмат ва тавозъе билан гапирди.

-Ҳурматли ҳукмдор бизларни иззат-икром этиб ҳар хил таомлар келтириб хурсанд ва хушнуд этдингиз. Булардан тановвул қилдик. Ҳўб мазали экан. Аммо охирида мазали ва ҳиди хушбўй, ниҳоятда хуш табиат таом келтирилди. Номини айтсангиз,- деди.

Турон ҳукмдори ушбу таомни мен ҳам биринчи еб турубман, мен ҳам ушбу таомнинг номини билмайман, деди. Бу таомни тайёрлаган ота-бобомизга ошпазлик қилиб келган ёшлари 100 га яқинлашган бобомиз ўзлари билсалар керак, дедилар ва ошпаз бобони икки улуғ ҳукмдор даргоҳига чорлади. Бу икки улуғ ҳукмдор не дер экан, деб қўрқа-қўрқа таъзим билан ҳузурларига кирди. Энг охирида ҳар бир шоҳга бир лаганда келтирилган таомни суриштиришди.

-Бу таомни қўй гўшти, мол гўшти, буғдой, сут, хушбўй баҳор гиёҳларини бир кеча ва кундуз улуғларга манзур бўлар эканманми, деб тайёрлаганман. Бу таомга туну-кун меҳригиё синоатимни сарф қилдим. Бу таом номини ҳалим деб ном қўймоқчиман. Мақсадим шулки, ҳар қандай ғазаб отига минган шайтоннинг васвасасига учган зотнинг ҳам, қалби қаттиқ кишиларнинг ҳам юрагини юмшатсин, деб тайёрладим. Беш кунлик дунёда бекорга қон тўкилмасин, деб ўйладим, -дебди ошпаз.

Эрон шаҳаншоҳи берилган саволларига олган жавобидан ўйланиб қолибди. Сўнг ўрнидан туриб Турон ҳукмдорига дебди: «Эй, Турон ҳукмдори, Сиз катта бўлсангиз оқ сут эмишган акамдайсиз, кичик бўлсангиз укамсиз. Мен ғазаб отига миниб, дунёнинг ҳукмдори буламан, деб одамийликни унутибман. Сиз мени айни чоғ одамийлик ва донишмандлик билан енгдингиз. Шу дақиқадан бошлаб, қанча жойни вайрон қилган бўлсам, шунча жойни таъмирлаб ҳам бераман,-дебдилар.

Турон ҳукмдори: «Эй, Эрон шаҳаншоҳи, дўстим. Синган чинининг эгаси уни чега билан тузатишни ҳам ўзи билади. Сиз эса аскарларингиз билан ўз мамлакатингизга эсон-омон етиб олсангизлар бўлгани- дебдилар...

Ушбу қиссадан ҳисса шуки, халқимизнинг меҳмондўстлиги, шинавандалиги, одамийлиги жуда қадимий анъана бўлиб, душманни ҳам ўз олижаноблиқлари билан дуст қила олганлар. Меҳмондўстлик халқларимизга суг билан кирган. Наврўз ҳам ана шу кенг феълли, ҳушгабиат халқимизнинг муқаддас анъаналарининг кўзгусидир...

Авазхон ҳожи ҲАЙДАР ўғли,
Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги диний қўмитанинг мутахассиси.
Эгамназар ҳожи ҚОДИР ўғли,
журналистлар уюшмаси аъзоси.

Қатралар

ДУО ОЛТИН ЭМАСМИ

Авазбек шўхлик қилиб икки йил ўтириб келди. Онаси билан қучоқлашар экан:

— Онажон, мени кечиринг, ёшлик қилибман. Мени деб қанчалар озор чекдингиз, бир дуо қилинг, мен ҳам одам бўлай, — деди.

Она бечора кўзида ёш билан:

— Инсоф берсин, энди адашмагин, тупроқ олсанг олтин бўлсин. Халқ назаридан қолмагин, — деб фотиҳа қилди.

Орадан йиллар ўтди. Дурадгорлик касбини эгаллаб олган Авазбек эл хизматида. Тагида «Жигули» машинаси. Ҳамма ундан хурсанд. Серфарзанд, сердавлат бўлиб, ҳавас қилса арзигулик йигит бўлиб қолди. Шунга айтар эканда: «Олтин олма — дуо ол», деб.

САБР ТАГИ РАҲМОН

Дўстим фарзандсиз эди. Она бечора доим уғлимга уғил-қизлар бергин, деб Аллоҳга илтижолар қиларди. Сабр қилди. Ниҳоят уғил-қизли бўлди. Бу кунни Моҳигул энтикиб-энтикиб интиқ кутарди. Достон, Гулноза ва Шаҳнозалар дунёга келди. Она дуоси-вожиб, деб шунга айтсалар керак. Зеро, сабр таги раҳмон.

БАХТ

Нури опага ҳамманинг ҳаваси келади. Чунки ҳамма фарзандлари уз бахтини топган. Уч келин ва икки куёви бор. Шавкат савдо ходими, Шоҳид ошпаз, Зоҳиджон бўлса косиб. Нури опа атрофида келинлар парвона. Уғил ва келинлар эрталаб бир дастурхон атрофига йиғилиб нонушта қиладилар. Сўнгра ишларига жунайдилар. Кечки пайт ишдан қайтгач, она олдига келадилар:

— Ассалому алайкум, ойижон. Яхши ўтирибсизми? Сизни соғиниб келдик — деб қучоқлаб ўпиб қўядилар.

Нури опанинг кўнгли тоғдек кўтарилиб кўзларига севинч ёшлари қалқади. Она учун бундан ортиқ бахт бормикин дунёда...

ОНА ҚАЛБИ

Онамнинг йигирмаси ўтди. Йигитчилик экан, уртоқларим билан гап-гаштак қилар эдик. Навбатдаги зиёфатни мен қилиб беришим керак эди. Шуни билган Нури опам менга қараб:

— Шомаҳмуд, — дедилар. — Жон ука, шу улфатчилигингни келаси йил қилиб берарсан. Уртоқларинг тушунадиган йигитлар-ку, — деб қолдилар. Онамизни кўмиб келганимизга бир ой ҳам бўлгани йўқ-ку. Одамлар нима дейди, якка ўғилсан-а...

Нури опам эртасига саҳарлаб уйимизга кириб келдилар. Кўзларида ёш,, мени қучоқлаб нуқул, «Мени кечир кечир, укажон», дейдилар.

Мен ҳайрон бўлдим. Айтишларига қараганда, опамизнинг тушларига раҳматлик онамиз кириптилар ва шундай дебдилар:

— Нури, мен розиман. Биттаю-битта укангни хафа қилманглар. Унга ёрдам беринглар, ёлғизлатиб қўйманглар...

Опамга қушилиб мен ҳам йиғлаб юбордим. Тушундимки — оналар жисман вафот этган бўлса ҳам қалби — руҳи ҳар доим фарзандлар билан барҳаёт бўлар экан.

Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ.

ОИЛА ДАВРАСИДА

Фориш туманидаги «Қизилқум» ширкатлар бирлашмаси раҳбари Сарсенбой Есимов меҳнатдан бахт топганлардан. Республикада хизмат кўрсатган чорвадор раҳбарлик қилаётган хўжалик табиий газ билан таъминланган.

Суратда: С.Есимов набиралари даврасида.

Н.Муҳаммаджонов сурати.

Мозийдан дараклар

ҚИЗ УЗАТИБ ОТ МИНГАНЛАР

Қадимий туркий қавмларда аёллар дуохон бўлган эканлар. Сочларини эса худди тож шаклидаги қимматбаҳо бош кийим янглиғ турмаклашиб, жингалак қилишиб, ёнларига осилтириб ҳам юришган. Улардаги туй-никоҳ одатлари ҳам гоят қизиқарли бўлган. Туйдан олдин қуда-қудағайлар бир-бирларига от ва сигирлар тақдим қилишган. Туй кунлари белгиланиб, ваъдалашилгандан кейин дарҳол туй маросими бошлаб юборилган. Куёв тарафнинг қариндошлари кўпгина отларни аравалар билан ҳосил бўлган катта айлана ичига қамашиб, келин томоннинг қариндошларига улардан хоҳлаганларини танлаб, эгарлаб, отлиқ ҳолда тусиқдан чиқиб кетишларини шарт қилиб қўйишган. Отларнинг эгалари эса тусиқнинг сиртида туриб, кафтлари билан чапак чалиб отларини ҳуркитишга ҳаракат қилишган.

Шу вақтда отни танлаб, эгарлаб минган киши отдан йиқилмай тусиқдан чиқиб кетолса, от шу минган кишиники бўлади. Агар отдан йиқилиб тушса, у киши яна бошқа бирор отни танлаши мумкин ҳисобланган. Шу тариқа қиз, яъни келинтараф қариндошларининг барчаси биттадан отга эга бўлгандан кейингина бу русум якунланган...

Туй куни қиз билан йигит меҳмонларни қимиз қимрон ва пиширилган мазали гўштлар билан кутишган. Туйга келган меҳмонлар дастурхон атрофига ўтиришганда тўри, қуйи деган фарқлаш муғлақо бўлмаган. Меҳмонлар ўтов ёнгинасидан қуюқ, қалин ўтлоқда тўп-тўп бўлиб ўтиришган. Кун буйи қимиз, қимрон ичишиб, гўшт ейишган. Хоҳлаганлар эса кечани тонгга улаб, ўйин-кулгу қилишган.

Туйнинг иккинчи куни қиз уз ота-онасининг уйига бориши расм бўлган. Ҳозир расм бўлиб келаётган «чаллар»га ўхшаш бўлган экан. «Чаллар» деган расм ўша олис мозийдан бизга шу тариқа мерос бўлиб келаётган бўлса ажаб эмас.

Туй маросимлари шу тарзда фақат йилда бир бор ёз фаслида ўтказилиши ҳам удумга кириб қолган экан.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.

КЎЗ ЁШИ ВА АЖИНЛАР

Кўз ёши оғриқни енгиллаштириши, асаб зўриқишларини даволаб, таскин бериши, кўзни бегона жисмлар (тутун, чанг, ҳид)дан ҳимоя қилиши кўпдан маълум ва бу билан ҳеч кимни ажаблантиролмайсиз.

Шифокорлар жониворлар устида олиб борган кузатувлар йўли билан улар қанча кўп кўз ёши тўкишса, масалан,тажриба тариқасида танада хосил қилинган кесик, яра-чақалар шунчалик тез тузалишини аниқлашган. Уларнинг кўз ёши ишлаб чиқарувчи безлари олиб ташланиши билан аксинча ўша яра-чақаларнинг тузалиш жараёни тўхтаб қолган яраларнинг четлари, ҳатто кенгая бошлаган. Тери эластиклигини йўқотиб, бир пасда «қариб» мўртлашган.

Шифокорлар кўз ёши безлари экстрактини жониворлар танасига киритишлари билан уларнинг териси аввалги ҳолатига келиб, яралар яна тузала бошлаган. Утказилган бу тажрибалар ажинлар ва қариликка қарши мардонавор кураши билан ҳайратлантирувчи аёлларимиз учун айниқса бу тажрибалар натижаси жуда муҳимдир. Хулоса шуки, аёлларимиз қанчалик кўп кўз ёш тукишса, шунчалик ёшариб кўринадилар - ажинлар кўз ёш ариқларида ювилиб кетади.

Бироқ, ҳамма ҳам кўз ёши «тўкиш» бахтига муяссар бўла олмас экан. Аёлларнинг ҳаммаси ҳам йигида рекорд қўявермайди (маълум бўлишича, куччилик хотин-қизлар тўхтовсиз ҳатто бир соатгача йиғлай олишаркан). Бу ерда офтальмологлар фикрича шифокорлар кўмаги керак бўлади. Каунас тиббиёт академияси ва Каунас эндокрин дорилар заводи мутахассислари янги ажойиб дорини яратишди. Унга кауглюкин деб ном берилган. Уни кўзга томизилади, киприклар устида намни ушлаб турувчи юпқа, тиниқ парда ҳосил бўлади. Бу нозик парда кўз ёшини бугланиб кетишидан асрайди ва кўзнинг зарарли тарзда қуриб қолиши олдини олади.

Турли хил кўз хасталиклари билан оғриган беморлар, кексалар, қўёш, шамол ва қуруқ ҳавога сезгир кишилар учун, китоб ўқиш ва телевизор кўришдан кўзлари толиқадиган барча кишилар учун сунъий кўз ёши жуда асқотади. Литвалик шифокорларнинг қатъий фикрича ўша дорини хонаки дори хонамиздан нитроглицирин, цитрамон ёки валериан қайнатмаси билан бир қаторда асрашимиз зарур экан. Шундай экан, масза қилиб «йиғлайверинг!» Мабодо, нажоткор кўз ёшини ўзингиз «ишлаб чиқара» олмасангиз - шифокорларга мурожаат қилишдан тортинманг. Улар кўз ёши билан сизни керагича таъминлай олишади.

БУ АЖИБ ДУНЁ

... Шиша бундан 5000 йил илгари яратилган. Маълум бўлишича, ҳозирги шишанинг кимёвий таркиби урта асрларда ишлаб чиқарилган шишаникидан фарқ қилмайди.

***

... Оптик линзаларнинг кашф этилиши ҳам кўҳна мозийга бориб тақалади. Британия музейида энг қадимий оптик линза сақланади. У эрамиздан аввалги VIII асрда ишланган экан.

***

... Француз математиги ва физиги Пьер Бутер (1698-1758) 15 ёшида Париж олий мактабининг профессори бўлган.

***

... Айтишларича, фонографни ихтиро қилган буюк Эдисон туғма кар бўлган экан.

***

... Австриялик сайёҳ ва тадқиқотчи олим Ханс Хасс узоқ йиллар мобайнида денгиз акулаларининг яшаш шароитини урганган. Акуланинг ута агрессив йиртқичлиги яхши маълум. Аммо унинг оддий рангли соябондан қўрқишини кўпчилик билмаса керак. Агар шундай соябонга рўбарў келиб қолса, орқа-олдига қарамай қочиб қолар экан.

***

... Дельфинлар жуда «сергап» бўлишаркан. Сув остидаги товушларни эшитишга мўлжалланган асбоб ихтиро этилгач, буни аниқлаш имкони туғилди. Дельфинларда қушга ўхшаб сайраш, одам сингари ҳуштак чалиш, тунгиз, тутиқуш ва бошқа ҳайвонлар каби товуш чиқариш қобилияти бор экан.

***

... Қаранг, балиқлар ҳам сув ичишаркан. Тадқиқотлар шундан далолат беради. «Олтин балиқча» эса турдошлари орасида энг кўп сув истеъмол қилар экан.

***

... Тинч океанини ким очганлигини биласизми? Саёҳатчи Васко де Бальбао. У 1513 йил 15 сентябрда мазкур океанда сузиб, океандаги осойишталикни кўради ва уни «Тинч» деб атайди. Лекин Тинч океаннинг унчалик тинч эмаслиги бугун ҳаммага маълум. Худуди 179,7 миллион квадрат километрни ташкил этадиган мазкур сув уммони океанлар ичида энг каттасидир.

***

... Кариб денгизидаги Ямайка оролида ажойиб лагетти минтеария дарахти ўсади. Унинг танасида юпқа нафис қобиғ бўлиб, худди қўлда тўқилган матога ўхшайди. Эҳтиёткорлик билан олинган бу қобиғ ажойиб шарф ёки рўмол вазифасини ўташи мумкин.

З.ЭШМИРЗАЕВА.
тўплаган.

ҚАЛБИМДА ФАХР ТУҒЁН УРАР

Наврўз айёми муносабати билан Тошкентда республика ҳунармандлари ишаб чиқарган маҳсулотларининг савдо кўргазмаси бўлиб ўтди. Жамоатчи мухбиримиз Замира РЎЗИЕВА андижонлик қўли гул усталар билан суҳбатда бўлди.

Наврўз ҳаяжони ҳар бир қалбда ўзига хос кечади. Толбаргак тақиб аргимчоқ учаётган қизалоқ узи урганган Наврўз, баҳор ҳақидаги шеърни жаранглатиб ўқиса, қоши ўсмали келинчак супра ёзиб кўк чучвара тадоригини кўриб яйрайди. Шоир ҳайратини газалга кўчирса, қўшиқчи тор созлаб, хониш қилади. Мен яна бир тоифа кишиларининг ҳаяжонига гувоҳ бўлдимки, улар юзи кўзидаги қувонч, гурур беихтиёр менга ҳам юқди. Бу ҳамроҳлар вилоят миқесидаги турфа кўрик танловларда совриндор бўлиб Наврўзни пойтахтда — ўз кўргазмаларини намойиш этиб байрам қилиш учун келган бир гуруҳ андижонлик ҳунармандлардир. Кулоли, дўппидузи, каштачиси, зардўзчиси, попопчиси, соз ясовчиси, ёғоч ўймакори, пичоқчиси... қўйинки, 16 ҳунарманди бўлган бу гуруҳ ўз ҳунарининг энг моҳирлари Тошкент сафарига уларни Андижон вилоят бошқармаси раиси У. Ҳайдаров бошлиқ дўстлар оқ йўл тилаб кузатиб қолишди.

Утган йили куздаги пойтахт кўргазмасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1000 долларлик мукофотини қўлга киритган моҳир кулол Мирзабаҳром Абдуваҳобов ясаган маҳсулотлар энг харидоргир бўлди. Мен Мирзабаҳромдан ўзи ва танлаган ҳунари ҳақида сўзлаб беришини сўрадим.

— Кулоллик менга ота-буваларимдан қолган табаррук ҳунар. Мен кулоллар шажарасининг ўн тўртинчи авлоди буламан. Уғлим Козимжон Абдуваҳобов ўн бешинчи авлод кулоли булади. Охирги 250 йил ичида менинг оппоқдадам, катта оппоқдадаларим Андижонда, энг машҳур кулоллар саналган. Отакул кулол, ўғли Раҳмон кулол,набираси Ортиқали ва Юнусали кулоллар айниқса донги кетган ҳунармандлар бўлишган экан. Ҳозир хонадонимизда улар ясаган бир неча идиш-товоқлар авайлаб сақланади. Дадам Абдуваҳоб кулолга отаси Юнусали кулол қандай синчковлик, талабчанлик билан бу ҳунарни ўргатган бўлсалар, отам менга, мен эса ўғлим Козимжонга шундай масъулият билан ўргатдим. Бу сафар кўргазмага 30 хилга яқин маҳсулот олиб келдим. Кичкинагина ўсмадондан тортиб каттакон чархи товоққача бор. Бари қадимий халқ услубида ишланган, безак топган.

— Халқ услуби деганда нимани назарда тутаяпсиз?

— Деярли кўп ишлар қўлда бажарилади. Ранг, пардоз беришда эса кимёвий моддалардан мутлақо фойдаланмаймиз. Кўза-ю лаганлардаги чарақлаб турган ранг дарёдаги оддий оқ, сариқ, қизғиш тошларнинг майдалаб элаки қилиб дарахт елими билан пиширилгани холос. Утган йил кузда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг энг катта мукофотини ва дунёнинг барча бозорларига чиқиш учун сертификатни қўлга киритгандим. Бу сафарги кўргазма асосан халқ савдоси учун ташкил қилинди. Наврўз кунлари халқимиз қадимий ҳунарларимизни кўриб гурурлансин, бемалол сотиб олсин. Биз эса Андижон маҳсулотлари уларга ёққанидан шодмиз. Андижонлик Абдумалик Муҳиддинов деган пичоқсозни яхши танийман. Дарвоқе, ювошгина феълли бу мактабдошимни бугун кўплар танийди. У ясаган пичоқлар санъат асари сифатида, рўзғор буюми сифатида шарқ, ғарб мамлакатларига аллақачон тарқаган. У республика «Мусаввир» ҳунармандлар фирмасининг қўли гул устаси.

— Абдумалик, вилоятда, айниқса Шахрихон томонларда пичоқчи жуда кўп. Сиз ясаган пичоқларнинг машҳурлиги нимада?

— Биласангиз, Андижон қарийиб пичоқсозлар юрти. Узимизнинг эски шаҳарда темирчилик растаси бор-а. Очиқ музей деб ном олган бу жойда темирчи ҳунармандлар ҳам иш қилади, ҳам савдо булаверади. Лекин мен негадир шу растага дуконимни урнатмадим. Назаримда савдога келаётган тушумга қизиқиб ишнинг сифатига путур етиб қоладигандай туюлади. Мен пичоқ ёки қилич ясаётганимда унинг пулга айланиши ҳақида мутлақо ўйламасликка тиришаман. Иш қилаётганимда сиз тарихдан билган Амир Темур, Бобур каби боболаримиз, уларнинг алпомишкелбат, фарҳодсифат йигитларининг шижоатига, мардлигига, ботирлигига яраша тушадиган ноёб пичоқ ёки қилич кўз ўнгимда, хаёлимда туради. Кейинги пайтда пичоқ соплари сунъий пластмасс матоҳдан тайёрланаяпти. Менинг тасаввуримдаги ҳолат эса қайрилмас, бўкилмас даста бўлиши керак. Шунинг учун пичоқ дастасини энг бақувват ҳайвон шоҳидан ясайман. Ҳар бир безаги, ишлови ҳам шунга монанд булади...

Чамандек зарпалакларни ёйиб қўйиб савдо қилаётган оқ рўмолли келин билан таништим. Исми шарифи Кўпайхон Солиева экан. Ёнидаги синглисининг айтишича, ашаддий китобхон эканлар. Қаранг, кўп танловларда совриндор бўлган сузана, деворпеч, зардевол, чимилдиқ, жойнамозлар устаси-попопчи қиз ашаддий китобхон ҳам экан. Мен унга айнан шу ҳақда савол бердим.

— Рост, китобни жуда яхши кураман. Янги чиққан барча асарларни ўқиб бораман. Менга тарихий мазулардаги китоблар айниқса ёқади. Ўқиганим сайин янги нусхалар илҳомини топгандай, хаёлим тиниқлашиб бораверади. Кетма-кет танловлар голиби бўлишим ҳам ўша илҳомлар самараси бўлса керак. Палакларим, сузаналарим пойтахт харидорларига ҳам маъқул келаётганидан жуда шодман. Бахтли хонадонларда, келинчакли уйларда мен яратган чамандар яшнаб турса, дейман. Бу ҳам бахт-да.

Бу галги сафар «Ғижжаки Бобурий» соз ясовчилари учун алоҳида масъулиятли. Улар бобомиз Амир Темур ва Бобур даврларига хос олти хил созни ясаб, созандалари билан келишган. Ўша даврларга хос мақом савиясидаги куйларни Наврўз кунлари халққа тўёна қилишди. Радио ва телевидениеда махсус концертлар берилди. Бу даражага етгунча машҳур соз устаси Абдумалик Мадраҳимов жуда кўп изланди, урганди.

— Салкам тарихчи бўлиб кетди дея қолинг. Изланишларим самараси уларок мусиқа созларимизнинг тикланиши уларнинг жиҳатлари ҳақидаги иккинчи китобим ҳам тайёр бўлиб қолди. «Ғижжаки Бобурий» фирмаси қошида «Мерос» дастаси ҳам тузганмиз. Миллий либослар тикадиган чеварлар цехи ҳам ишлаб турибди. Иш кўп. Бари ҳайрли. Бир дақиқа ҳам бўш вақт йўқ, аммо чарчамайман. Асосий ҳорлигим ота-боболаримиз давридаги созлар, мусиқалар қайта тикланиб, элга қайтаётгани. Шу созлардан битта мақом куйини эшитсам ҳамма чарчоғим ёзилади.

Андижонда шу кунда 35 хил ҳунар турлари мавжуд. Бу ҳунармандлар ташкил қилинган «Ҳунармандлар ва халқ амалий санъати» ассоциациясига уюштирилмоқда. Бу борада вилоят маданият бошқармаси, алоҳида жонсараклик кўрсатмоқда. Наврўз кўргазмаси иштирокчилари раҳбари, вилоят маданият бошқармаси раисининг муовини Равшанбек Абдураҳмонов буни шундай шарҳлайди:

— Халқимизда «Ҳунарли хор бўлмас», деган зур гап бор. Бу айниқса ҳозирги мустақиллик кунларида янаям ўз моҳиятини топди. Бошқармамиз хизматчилари маҳаллаларда, бозорларда бўлиб халқ ҳунармандчилиги бўйича ишлар қилишаяпти. Айтайлик, Андижон «Жаҳон бозори»да махсус бахмал сузаналар бозори бор. Шу ердаги энг нафис, энг нозик ишлар диққатимизни тортса, унинг чеварини кидирамиз, суриштирамиз. Аксарият ҳолларда чеварларнинг узлари бозорга чиқмайди, савдогарлардан буни аниқлаб уша чеварни топамиз. Уни танловларга таклиф қиламиз, шогирдлар билан таъминлаймиз. Бу иш ҳар бир ҳунар соҳасида ҳам булади. Бу йилги Наврўз кўргазмаси жуда ажойиб сараланди. Олиб келган маҳсулотларимиз кўпни қойил қолдирганини сезиб турдик.

Кўргазмани айланар эканман, андижонлик ҳунармандларнинг маҳсулотларини кўриб гурурланиб кетаман. Қалбимда фахр туғён уради...

«Пахтакор» марказий ўйингоҳига борган киши таъмирлаш ишлари жадал суръатлар билан бораётганлигининг гувоҳи бўлади. Ўйингоҳни ҳам томошабинга, ҳам спортчига қулайлик туғдиришдек ишни «Ўзсувзовурқурилиш» трести жамоаси олиб бормоқда.

Суратда: геофизист Абдулазиз Ҳасанов.

А.Мамадаминов сурати.

Спорт

ТЎП МАЙДОНГА ТУШДИ

Кеча мамлакатимиз турли шаҳарларида Ўзбекистон кубоги - биллур совриn учун дастлабки футбол учрашувлари бўлиб ўтди.

Албатта юртимизда катта футбол бошланишига яна 22 кун бор. Мухлислар мамлакат футбол чемпионати бошланишини муддатини кечиктирганлигидан хабардор. Мақсад футболни янада ривожлантиришга бағишланган мухтасар қарорнинг ҳаётга тадбиқ этиш важидан жойларда бошланган саъй-ҳаракатларни маромига етказиш. Дарвоқе, футбол клубларини тузиш, ўйингоҳларни таъмирлаш ишлари жаҳон андозаларига мос равишда амалга оширилмоқда. Мухлисларни мамнун этиш мақсадида 6 апрелга қадар биллур совриni учун қурашнинг гуруҳлардаги баҳслари ўтказилади. Учрашувлар Фарғона, Тошкент, Навоий, Наманган, Қарши шаҳарларида бўлади. Бугун Фарғонада «Косонсой»-«Туқимачи» ва «Темирйўлчи»-«Норин» жамоалари ўртасида учрашувлар ўтказилади. Гуруҳларда 1-2 ўринларни эгаллаган жамоалар чорак финалга йўлланма олишади.

Мирзо АНВАР.

ОБ-ҲАВО ВА САЛОМАТЛИК

Ўзбекистон об-ҳаво бюросининг берган маълумотига қараганда, келгуси ҳафтанинг дастлабки кунларида республикамиз ҳудудида қисман ёнғингарчилик бўлиб туради, ҳаво эса булутли бўлади. Кечалари ҳарорат 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ оралиғида, кундуз кунлари эса ҳарорат 8-13 даража илиқ бўлиши кутилади. Республиканинг шимолий ҳудудларида эса ҳарорат кечалари 7-12 даража совуқ, кундуз кунлари эса 3-8 даража илиқ бўлади.

Ҳафтанинг охирига бориб ҳарорат бироз кўтарилади. Умуман ҳафта иқлими ҳар қандай кескин ўзгаришларга сабаб бўладиган турли циклонлардан ҳоли. Шу боис об-ҳавога таъсирчан кишилар уз тана аъзоларида ҳеч бир нохушлиқ ёки безовталик сезмайдилар. Кўтаринки рухда сайру-саёҳат қилиш, кундалик ишлар билан фаол, шуғулланиш, йиғинлар ва давраларда хушчақчақлиқ билан иштирок этиш, хуллас қайноқ турмуш онларидан лаззатланиб кунларни шукуҳли ўтказавериш керак.

Саломат бўлинг!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ПИРС» ХУСУСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИЖОРАТ ФИРМАСИ ҚУЙИДАГИ ТИББИЙ УСКУНАЛАРНИ СОТАДИ:

«Орва-Ретина» рентген плёнкаси;

70х30,5 70х60 ҳажмли «Орва-Ретина» (Германия) флюора плёнкаси;

Буюртма бўйича РО-6, РО-9 наркоз берадиган аппарат;

2,5 ва 10 мл бир марта ишлатиладиган нина дори (шприц)лар;

70х50 смли вафелли сочиқлар ва 50х50 жерможгозлар;

Бир марта қон қуйиш ва эритувчи аппарат (Германия);

Қондаги қандни якка тартибда аниқлагич (Жонсон-Жонсон маҳсулоти)

УзсАлока (Фунидзя, Шиманцу маҳсулоти)

Бир ва 6-12 каналли электрокардиограмма аппарати (ЭКГ)

Рентген ускуналари, флюора аппаратлари

Эндоскоплар ҳамда қон анализаторлари.

МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ИВЛЕВ КУЧАСИ, 62-УЙ. (СОБИҚ «РАДОСТЬ» МАГАЗИНИ РУПАРАСИДА)

ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 55-93-06, 55-91-42 факс 54-67-23.

Эрталаб соат 8.00 дан соат 17.00 гача мурожаат қилиш мумкин.

«ТИМАРТ» фирмаси

тел: (8-3712) 91-02-32, 91-60-01

Металл прокат (труба, учбурчак, арматура, пўлат чивиқ, тахта шаклли металл, швеллер, тунука, металл тасма, чамбарак)ларни етказиб бериш бўйича 1996 йил учун шартномалар тузади.

Металл прокатларни Доимий суратда майда улгуржи тарзда ва вагонлаб сотиб олади ёки айирбошлайди. Диаметри 325-1020 ммли трубаларни ҳамда Украинадан келтирилган Гост 8732 57х4 трубаларни б-30х8, б-100х4 металл тасмаларини, 40-50 ммли учбурчакларни, N5 швеллер ҳамда N20 тусинларни, қалинлиги 25,40,50 ммли тахта шаклидаги металларни, 25-130 ммли чамбаракларни, диаметри 12-25 ммли арматура ва иссиқхоналар учун қалинлиги 0,12 мм, эни 3 метрли полиэтилен пленкани сотади.

Манзил: 700005, Тошкент-5, 8-Март кўчаси 57-уй, 73 а/я.

«СЕРАЗ» масъулияти чекланган жамияти ўзида ишлаб чиқарилган юқори унум билан ишлайдиган қуйидаги ускуналарни сотади:

Икки модификацияли универсал тегирмонлар;

Шлакли блоклар тупламлари;

Маккажўхори донини сутасидан ажратгичлар;

Ун, дон ва бошқа ларнга ўхшаш маҳсулотларни элевон механик ускуналар;

Пойлевор плиталари учун қолиплар;

Икки модификацияли шоли оқлагичлар;

Кесувчи дастгоҳ (станоклар;

Ер енгоқ тозалагичлар;

Балконлар учун айвонлар;

Туловлар ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан бўлади.

Телефон: (3712) 96-61-71. Эрталаб соат 8.00 дан кеч соат 17.00 гача қўнғироқ қилиб мурожаат этиш мумкин.

Олимпия Ўйинларининг 100 йиллигига

МУСОБАҚАЛАРГА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

1996 йил 6 апрел куни ажойиб юбилей — Олимпия ҳаракатининг 100 йиллиги бутун жаҳон миқёсида нишонланади. Шу муносабат билан яқинда Тошкентдаги «Навруз» тантаналар уйида Ўзбекистон тарихида илк бор Олимпия базми ўтказилди. Анжуманда йиғилганларга, яъни Американинг Атланта шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиада-96 Ўйинларида қатнашувчи спортчиларга Президент И. А. Каримов мактуб йўллади.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия Қумитасида спорт мавзуида ёзувчи журналистларнинг МОҚ (Миллий Олимпия Қумитаси) раҳбарлари, республика спортининг олимпия турлари бўйича федерацияларининг президентлари ва бош котиблар билан учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон Миллий Олимпия Қумитаси президенти Собир Рўзиев бизнинг спортчиларимиз шу қадар нуфузли мусобақаларда — Олимпия Ўйинларида биринчи марта иштирок этаётганликларини ҳавас билан таъкидлади. Бўлажак ўйинлар шонли юбилей санасига тўғри келаётгани ҳам гоят диққатга сазовордир. Ушбу ўйинларда 197 та мамлакат вакиллари қатнашадилар, илгари Олимпиада тарихида бу қадар кўп мамлакатлар иштирок қилмаган. Олимпиада медалларини ва совринли ўринларни олиш учун 10 минг нафардан зиёд спортчилар астойдил беллашадилар. Ўзбекистон Республикаси 100 нафар спортчини Олимпия Ўйинларига юборишни мўлжалламоқда. Шундан ҳозирча 45 киши Халқаро Олимпиада Қумитасининг лицензиясига эга бўлди. Бокс (7 киши), дзюдо (7 киши), енгил атлетика (13 киши), сувда сузиш) (8 киши), оғир атлетика (5 киши), қиличбозлик (2 киши), спорт гимнастикаси (3 киши) командалари жамлаб бўлинди. Полвонлар (эркин кураш ва грек-рим усулида кураш бўйича), эшкакчилар, теннисчилар, велосипедчилар, отиш усталари ҳам лицензия олиш учун ҳозирлик кўрмоқдалар.

Олимпиада терма командасига «Ал-Машриқ», «Агроплюс» фирмалари ва бошқалар ҳомийлик қиладилар. Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, спортчиларимизнинг Атлантага боришларини таъминлаш учун мавжуд маблағлар етарли эмас. Олимпия Ўйинларида қатнашмай туриб, Олимпиада чемпиони бўлиш амри маҳолдир, деди С. Рузиев, шу боис биз ҳомийлар сонини кўпайтиришдан жуда манфаатдормиз. Биз барча ташкилотлар, фирмаларга ва тижорат тизимидаги ташкилотларга мурожаат этиб, республика Миллий Олимпия Қумитасига ёрдам беришларини сўраймиз. Бундан кўриладиган наф гоят катта бўлишига шак-шубҳа йўқ. Чунки Олимпиада иштирокчиларини бош ҳомийси бўлишдан ҳам зиёд ва нуфузли реклама бўлмаса керак. Ҳозир биз «Демир», «ДЭУ» ва бошқа шу хил таниқли фирмалар билан музокаралар олиб бораяпмиз. Бундан ташқари, 1 миллион нусхада Олимпиада лотереяси чиқарилади ва тарқатилади. Ютуқлар орасида Атлантага йўлланма (100 та), «ДЭУ» автомобили (10 та) ва бош совриn бор. Бош совринга эга бўлган киши Атланта шаҳрида ўтказиладиган ҳамма мусобақаларни бемалол кўриши мумкин. Бунинг устига совриндор илгари Олимпиада Ўйинлари ўтказилган учта мамлакатни бориб кўриш ҳамда янги жип — «Чироки» машинасини олиш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистонлик олимпиадачилар орасида гимнастикачи Чусовяхина, боксчи Ербеков, ғиштқўрувчи Ғаниев каби машҳур спортчилар бор. Ёзги Олимпиада ўйинлари бошланишига 4 ойдан озроқ вақт қолди. Шу йилнинг 19 июлида узоқ Атланта шаҳридаги ўйингоҳ томида Олимпиада машъаласи порлайди. Жаҳон миқёсидаги шиддатли мусобақаларда спортчиларимизга омад ёр бўлсин! Биз уларнинг медаллар билан уйга қайтишларини жуда-жуда истаймиз, албатта. Аммо, Олимпиаданинг асосий шиори: «Ғалаба эмас, балки иштирок этиш»дир.

Ф. МАДИНИ.

ДУШАНБА, 1

КУЛГИ КУНИ

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
8.30 «Кулги базми». Мусиқий кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қиқирикмиқир ва масхарабоз амаки». Фарғона вилояти кўғирчоқ театрининг спектакли.
10.55 Футбол. Ўзбекистон кубоги.
11.35 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 1-серия.
12.05 «Насриддин Бухорода». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
13.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 I. «Ҳумо»: «Қуёш юрти».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 II. Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 III. «Ҳумо»: «Мувозанат». Публицистик кўрсатувларнинг давоми.
22.25 Халқаро кулги куниga. «Ҳаётнинг ўзи қизиқ». Дам олиш дастури.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 01.20 «Ўхшаш чехралар». Теле-шоу.

II

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Курьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.20 «Мусиқа, ҳолос».
20.30 «Ахборот».
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.40 — 23.40 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тусау кесу». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
18.20—20.40

20.40 «Тунги жазирама». Бадиий фильм.

Россия давлат телевидениеси

23.00 — 23.30 «Вести».

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Мультқарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Кўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.35 Ёшлар ижро этади.
20.05 «Тафсилот». Ахборот кўрсатуви.
20.20 «Саломатлик — туман бойлиқ».
20.50 «5+1».
21.20 «Спорт-тайм».
21.50 «Эколог-коктейль».
22.20 «М» хабар.
22.30 Эълонлар.
22.35 — 23.15 «Кимга қанақа?»

СЕШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Наврўз лавҳалари». Кинодастур.
9.15 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 «Хоразм наволари». Мусиқий дастур.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ишбилармон». Тележурнал.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Она тили.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўзбекистон халқлари тарихи.

12.00 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 2-серия.
12.30 «Саньат гунчалари». Кўрик-танлов голибларининг чиқиши.
13.00 «Ҳаётнинг ўзи қизиқ». Дам олиш дастури.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАКІ» видеоканали:
1. «Наврўзлар айтгали келдик».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАКІ» видеоканали:
2. «Офтобга тасанно».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАКІ» видеоканали:
3. «Наврўз келди — келди янги йил».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 01.00 «НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАКІ» видеоканали:
4. «Ҳар кунинг ўлсин Наврўз».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-уик».
20.10 «АРТ-журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.20 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тошкент», «Тошкент фавворалари». Телефильмлар.

Россия жамоат телевидениеси

6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.20 — 20.40

20.40 «Джазда фақат қизлар». Бадиий фильм.

Россия давлат телевидениеси

23.00—23.30 «Вести».

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Мультқарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Бу бўстон аро...»
19.30 «Дурдоршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Уюрланет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.10 «Каталог».
21.20 «Сокер-клуб». Футбол шарҳи.
22.20 «Солиқ ҳақида собиқлар».
22.30 Эълонлар.
22.35—24.00 «Кинематограф».

ЧОРШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Қизиқарли учрашувлар». Республикада хизмат кўрсатган юрист Ҳалима Мухитдинова билан учрашув.
9.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Нодир хазина». Телефильм.
9.20 «Ватанпарвар». Шижоатли ёшлар.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ховлимиздаги стадион». Спорт кўрсатуви.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Табииёт.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Зоология.

*

12.00 Дутор ва танбур тароналари.
12.35 «Ўхшаш чехралар». Теле-шоу.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 Ислоҳот ва масъулият. «Изланишлар қанотида». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Наманган вилояти.
21.40 «Мехринг билан яшайман Ватан». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муассар Раззоқова.
22.10 «Шаҳар бедарвоза эмас...» Публицистик кўрсатув.
22.50 Саид Аҳмад. «Раъно». Теленовелла.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.20 Лирик концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!»
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хайвонот оламининг сирлари».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 24.00 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».



III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Самарқанд», «Прага билан учрашув». Телефильмлар.

Россия жамоат телевидениеси

6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.20—20.40

*

20.40 «Мафтунингман». Бадиий фильм.

Россия давлат телевидениеси

23.00—23.30 «Вести».

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Мультқарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Узинг ҳақингда сўзлаб бер». Ёш мусаввир Н. Жабборова ҳақида.
19.30 «Айчурек» (кирғиз тилида).
20.10 «Аёллар» (такрор.).
20.40 «Рақслар қанотида» (такрор.).
21.20 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Тошкент оқшомида».
23.05 — 23.25 «Мен туғилган тупроқ». Тележурнал.

ПАЙШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Меҳринг билан яшайман Ватан». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муассар Раззоқова.
9.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.25 Саид Аҳмад. «Раъно». Теленовелла.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Наврўз чечаклари».
10.30 Шифокор экрани.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Умумий биология.
12.00 «Бешинчи довон». Видеоканал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мушоира: Чуст тумани ёшлари бахси».
18.40 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Озма-юз». Тарих фанлари номзоди Амриддин Бердимуродов билан мулоқот.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Аньаналар этади давом...» Мусиқий кўрсатув.
21.55 «Саҳна ҳаёти». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг актрисаси Дилбар Икромова.
22.55 «Зийнат». Қизлар тележурнали.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.20 «Сени излаб». Охунжон Мадалиев куйлайди.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Кордон бўлу» («Ёқимли иштаҳа»).
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сизнинг услуб».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35 — 00.10 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Уғил, набира, эвара», «Қуёшли уй». Телефильмлар.

Россия жамоат телевидениеси

6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.20—20.40

*

20.40 «Фирибгарлар найранги». Бадиий фильм.
22.30 «Кабутарлар — муҳаббатим менинг».

Россия давлат телевидениеси

23.00—23.30 «Вести».

*

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Мультқарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ҳотира». Органчи Д. Валалатзода ижоди ҳақида.
19.30 «Экология ва ҳаёт».
20.00 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Рангинкамон» (тожик тилида).
21.05 «Утмишсиз келажак йўқ».
21.35 «Бизнес-академия».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Мусиқий меҳмонхона».
22.45 — 23.15 «Кашфиётлар ва ихтиролар».

ШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
9.45 «Халқ ижодиёти».
10.15 «Кичкинтой» устахонаси.
10.45 «Аёл борки, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув.
11.25 Болалар учун. «LEGO» сайёраси.
11.50 «Тупроғи зар Ватаним менинг». Қашқадарё геология-қидирув экспедицияси иш фаолиятига бағишланади.
12.25 «Тараннум». Мусиқий дастур.
12.55 «Саёҳатлар эртаги». Бадиий фильм.
14.35 — 15.20 Футбол. Ўзбекистон кубоги.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кучукча ва ўски шиппак». Мультфильм.
18.10 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.50 Спорт хабарномаси.
19.05 Диққат, премьера: «Хангома». Юмористик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 3-серия.
21.30 «Ўзбекистон — Ватаним манимі» Қўшиқлар кўрик-танлови.
22.00 «Беш халқа жозибаси». Спорт кўрсатуви.
22.45 «Кодимги маросимлар». «Тановар» рақс театрининг янги дастури.
23.15 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртаклар оламига саёҳат».
18.35 «Муаллиф».
18.45 «Ривоят».
18.55 «Офарин».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «RAKS» тақдим этади.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Эртага — шанба».
21.15 «Мафтункор чехралар».
21.40 «Таманно».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 — 23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Давон». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси

6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.20—20.40

*

20.40 «Ҳақиқат билан тўқнашув». Бадиий фильм.

Россия давлат телевидениеси

23.00—23.30 «Вести».

*

23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Мультқарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Қотирма». Органчи Д. Валалатзода ижоди ҳақида.
19.30 «Экология ва ҳаёт».
20.00 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Рангинкамон» (тожик тилида).
21.05 «Утмишсиз келажак йўқ».
21.35 «Бизнес-академия».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Мусиқий меҳмонхона».
22.45 — 23.15 «Кашфиётлар ва ихтиролар».

11.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
12.20 «Кинонигоҳ».
14.00 — 15.00 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

***

18.00 «Совға».
18.20 «Формед».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Мактуб».
18.45 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Оҳанглар оғушида».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кунгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
21.30 «Мусиқа салтанати».
21.50 Видео янгиликлари.
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.50 — 00.30 Видео — «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Туркман тулпорлари». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
18.20—20.40

20.40 «Насриддиннинг саргузаштлари». Бадиий фильм.

Россия давлат телевидениеси

23.00—23.20 «Вести».

*

23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.45 «Жонли сайёра».

IV

10.00 «Энг чиройли кемачалар». Болалар учун фильм. 2-серия.
11.05 Эълонлар.
11.10 «Безнен мирас» (татар тилида).
11.50 «Дидар» (қозоқ тилида).
12.30 — 13.10 «Умид» (уйғур тилида).

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
19.00 «Мамлакатлар, одамлар, воқеалар».
19.20 «Дунё ва болалар».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Телеташирф».
21.05 «Бугунги Европа».
21.25 «Олам ва одам».
22.00 «Ташрифлар ва таклифлар».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Сахий хонадонда».
23.15 — 23.35 «Бу ажиб дунё».

ЯКШАНБА, 7

КЎНЧИЛАР КУНИ

I

ХАЛҚАРО САЛОМАТЛИК КУНИ

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Цирк! Цирк! Цирк!»
11.45 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 3-серия.
12.15 «Ташриф». Дом олиш дастури.
13.05 «Тараққиётимиз таянчлари». Кончилар кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.
13.45 — 14.20 «Голиб курси». Телевизион ўйин.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Эртаклар — яхшиликка етаклар. «Оҳанграба».
18.35 «Сиҳат-саломатлик». Тележурнал.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Ўзбек адабиёти — жаҳон кўзгусида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Фармед».
21.15 «Илҳом сатрлари».
21.20 «Дараксиз».
21.30 Футбол оламы.
22.00 «Келгуси ҳафтада».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.50 — 00.30 Видео — «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўзбектелефильм» таништиради: «Музей». Премьера.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.20—21.50

*

21.50 «Олимп сари йўл».
22.10 «Баҳорнинг узун куни». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси

23.00—23.20 «Вести».

*

23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 «Панорама» (такрор.).

IV

10.00 «Эй, Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли оламы».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 «Парле ву франсэ». Француз тили ҳамма учун.
12.30 Эълонлар.
12.35 «Эсдалик учун дастхат».
13.00 «Менинг кўчам...»
13.15 «Сирдошим». Фармацевт Ташмуҳамедовлар суполаси ҳақида (такрор.).
13.50 — 14.10 «Жонли сайёра».

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
19.00 «Мамлакатлар, одамлар, воқеалар».
19.20 «Сенинг вақтинг». Ёшлар дастури.
19.55 «Бу ажиб дунё».
20.15 «Дурдоршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.45 «Миср обидалари». 4-кўрсатув.
21.30 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
22.00 Эълонлар.
22.05 «Хонодонингизда осойишталик бўлсин».
23.05 — 00.05 «Сиз учун учрашув». Владимир Михайлов.

Мунажжим таъбири:

ДАЛВ (20.01-18.02) ойида туғилганлар учун бу ҳафта оддий кунлардан иборат бўлиши кутилур. Бу кунларда ўз соғлиги билан шуғулланиш ва оила аъзоларини тарбиясига аҳамият бериш кўп фойдали булур. Шу билан бирга илмли кишилар суҳбатида булиш, ота-онани зиёрат қилиб, ҳолларидан хабар олиш ҳам айни муддао ҳисобланур.

ҲУТ (21.02-21.03) ойида туғилганлар учун бу ҳафтанинг ярми нахс, қолган қисми эса омадли келиши кутилур. Шунинг учун аввалги кунларда иложи борича бирор жиддий ишга қўл урмай турган маъқул. Хусусан савдо-сотиқ ва сафарга чиқишдан сақланиб туриш тавсия этилур. Бу кунларда иложи борича кўпроқ хайрия ишлар билан банд булган маъқул. Иншоаллоҳ, шунда барчаси яхши булиб кетур.

ҲАМАЛ (21.03-21.04) ойида туғилганлар учун бу ҳафтанинг оддий тинч ўтиши кутилур. Мазкур кунларда сафарга чиқиш, тўй-хашамлар ўтказиш ҳамда раҳбарлар ҳузурига кириш ҳам кўзлаган натижаларни келтириши эҳтимол қилинур. Ҳафта давомида тасодифий учрашувлар ва узоқ сафардаги яқин кишиларнинг ҳозир булиши ҳолатларига ҳам рубару булиш кутилур. Бу кунларда таниш беморларни зиёрат қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш кўп савобли ишдир.

САВР (22.04-20.05) ойида туғилганлар учун бу ҳафта нахс келиши кутилур. Бу кунларда эҳтиёт булинмаса, кучада ёки ишхонада ҳодисотларга учраб, аъзоларидан бирининг лат ейиши мумкин. Шу билан бирга яқин кишиси билан бир қанча вақтга айриликка учраши ҳамда ишхонада баъзи бир келишмовчиликка рўбарў булиши мумкин. Бундан ташқари ҳафта давомида бир оз молиявий қийинчиликлар ҳам пайдо булиши кутилур.

ЖАВЗО (21.05-21.06) ойида туғилганлар учун бу ҳафта омадли келиши кутилур. Бу кунларда айниқса савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш, ижодий ва илмий ишларда катта ютуқларга эришишлари эҳтимол қилинур. Ҳафта давомида ҳизмат сафарига чиқиш, тўй-ҳашамлар ўтказиш ва бошлиқлар ҳузурида булиш кутилган натижаларни бериши умид қилинур.

САРАТОН (22.06-22.07) ойида туғилганлар учун бу ҳафтанинг аввалги ярми омадли, қолган кунлари эса нахс келиши кутилур. Шунинг учун Аллоҳга таваккал қилиб ҳафтанинг аввалида барча режалаштирилган ишларни бажаравериш мумкин. Хусусан, савдо-сотиқ, илмий-ижодий ишлар, шартнома ва битимлар тузиш кўнгилдагидек натижа берур. Ҳафтанинг кейинги ярмида юз беражак нохушликлардан сақланиш учун иложи борича кунни оила қучоғида ўтказиш ҳамда ҳаром-хариш юришдан сақланиш тавсия этилур.

АСАД (23.07-23.08) ойида туғилганлар учун